

Нарзулла ЖЎРАЕВ

«АВЕСТО» МУЪЖИЗАСИ

Ўқув қўлланма

Тошкент – 2014

АННОТАЦИЯ

Кўхна Шарқ жуда катта тарихий-маданий тараққиёт йўлини босиб ўтган, инсоният тафаккур олами тадрижий ривожини рағбатлантирувчи, руҳлантирувчи, бойитиб боровчи омилларга асос солган муқаддас макон. Зотан, ана шу табаррук заминда илк одамлар ибтидоий тасаввурларининг шаклланиши, уларнинг ҳаёт ва яшашга интилиш туйғуларининг ривожланиши, оламни идрок этиш ва тасаввур қилишнинг дастлабки мўъжизавий ҳолатлари юзага келган.

Инсониятнинг тарихий тараққиёти турли даврларда, турли макон ва замонда юзага келган катта силжишлар, ғоявий-маърифий сакрашлар, кучли руҳий таъсирлар орқали такомиллашиш жараёнини бошдан кечирган. Қадимий Туронда эса ана шундай ҳолатлар ва туб бурилиш ҳодисалари бошқа халқларга нисбатан бир мунча олдинроқ, шаклан ва моҳиятан бир мунча хилма-хилроқ тарзда юзага келдики, бу нафақат ана шу ҳудуд, балки бутун дунё халқлари маданий тараққиётида алоҳида воқеа сифатида тан олинди ва тарих силсиласида муайян ижтимоий-тарихий рол ўйнади.

ЗАРДУШТИЙЛИК: ГЕНЕЗИСИ ВА ЭВОЛЮЦИЯСИ

Бундан уч минг йил илгари қадимий Хоразмда дунёга келган “Авесто” зардуштийлик динининг муқаддас китоби сифатида катта ижтимоий, маънавий, ахлоқий воқеликка айланди. “Авесто”нинг ижтимоий-тарихий ҳодиса сифатидаги қадрияти фақат шугина эмас. Балки у бутун инсоният тараққиётининг янги босқичи, тасаввур ва тафаккур оламининг янги сарчашмаси, инсон, ижтимоий ҳаёт, яшаш завқи ва моҳияти билан бевосита боғлиқ бўлган юксак инсонпарвар ғоя сифатида юзага келди.

“Авесто”даги ижтимоий адолатга йўғрилган, ғоят инсонпарвар қарашлар нафақат инсон, балки бутун борлиқ, тупроқ, ҳаво, сув, коинот, юлдузлар, ҳайвонлар, ҳашаротлар, паррандаю даррандалар яхлит оламининг ўзаро муносабатлари орқали инсон маънавий-ахлоқий меъёрларини илк бор ишлаб чиқди. Инсон фаолияти, хатти-ҳаракатлари ва муносабатларининг қонуниятларини дастлабки кўринишларда аммо, қийматини йўқотмайдиган даражада юзага келтирди. Худди ана шу умуминсоний, дунёвий ғоялар орқали “Авесто”нинг тарихий ҳодиса сифатидаги моҳияти белгиланади.

Кўпдан-кўп қирғинбарот урушлар, маҳв этишлар, вайронагарликларни кўрган Туронда “Авесто” тинчлик ва ҳамкорлик, дўстлик ва ўзаро ҳурмат орқали инсон ва инсоният туб моҳиятини юксак даражада тарғиб қилиш билан бирга, ана шу жангу-жадалларнинг қурбонига ҳам айланди. Унинг дунёга келиши, яратилиши ва жамиятда тутган мавқеи атрофидаги мунозаралар турли даврларда турлича шаклга кирди. Бир-бирига зид, қарама-қарши фикрлар ўртага ташланди.

Абу Райҳон Беруний “Авесто” ва унинг аянчли тақдири ҳақида гапирар экан: “Подшоҳ Доро Ибн Доро хазинасида (Абистонинг) 12 минг қора мол терисига тилло билан битилган бир нусхаси бор эди. Искандар оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни ўлдирган вақтда уни куйдириб юборди. Шунинг учун ўша вақтдан бери Абистонинг бешдан учи йўқолиб кетди. Абисто 30 “наск” эди, мажусийлар қўлида 12 наск чамаси қолди. Биз Қуръон бўлақларини ҳафтияклар деганимиздек, наск Абисто бўлақларидан ҳар бир бўлақнинг номидир”¹, деган эди.

Албатта, Александр Македонскийнинг Ўрта Осиёга юриши нафақат “Авесто”нинг бошига солган кулфат билан, балки бутун Шарқ цивилизациясини издан чиқариб, бутун бир халқ маданияти, маърифати, ижтимоий ҳаёт даражаси ва кишилиқ жамияти тараққиётига катта зарба бўлиб тушгани маълум. Бу тарихий жараён сифатида Ўрта Осиё цивилизациясининг босқинчилар томонидан барбод этилганлиги сингари изтиробли воқеликлардан биридир.

¹ Беруний А.Р. Танланган асарлар. 1-жилд. Т., “Фан”, 1968. 238-бет.

“Авесто”нинг яратилиши ва унинг буюк қадрияти ҳақидаги маълумотлар кўп. Жумладан, муаррих Балхийнинг “Форснома” китобида “Авесто” 12 минг ошланган мол терисига битилган ҳикматлар китоби эканлиги қайд этилади. Абу Али Муҳаммад Бин Муҳаммад Балъамийнинг “Тарихи Балъамий” китобида эса “Авесто” шоҳ Гуштасб фармони билан 12 минг мол терисига подшоҳ мирзолари томонидан тилло сувида ёзилгани ҳақидаги фикрлар баён этилган.

VII-VIII асрларда Ўрта Осиёга арабларнинг бостириб келиши жуда кўп маданий-тарихий ёдгорликларнинг йўқолишига сабаб бўлди. Жумладан, “Авесто”нинг мавжуд нусхалари ҳам ана шундай фожеалардан, мислсиз жаҳолатдан четда қолмади.

Абу Райҳон Берунийнинг хулосаларига кўра “Қутайба Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган ва билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб, буткул йўқ қилиб юборган эди. Шунинг учун у (хабар ва ривоятлар) ислом давридан кейин, ҳақиқатни билиб бўлмайдиган даражада яширин қолди... Кейин Қутайба Ибн Муслим ал-Боҳилий Хоразмликларнинг котибларини ҳалок этиб, билимдонларини ўлдириб, китоб ва дафтарларини куйдиргани сабабли улар саводсиз қолди. Ўз эҳтиёжларида ёдлаш қувватига суянадиган бўлдилар. Узоқ замон шундай бўлгач улар ихтилофли нарсаларни унутиб, келишиб олганларини ёдда сақлаб қолдилар”².

Ана шу тарзда Ўрта Осиё, жумладан, Хоразм жаҳолат, бидъат ва хурофот ҳукумрон бўлган маконга айлантирилди. Мислсиз юксак маданият, адабиёт, санъат, фан, фалсафа ва тафаккур тараққиётига чек қўйилди. Тобора шаклланиб бораётган ҳаёт, олам, жамият ва унинг моҳияти ҳақидаги тасаввурлар ўрнида фикрламай яшашга маҳкум этилган оломонга мўлжалланган жамият юзага кела бошлади. Бироқ, ҳар қандай зўравонлик, хурофот ўз кучини кўрсатмасин, хотира қуввати, қалб ҳофизаси юксак бўлган ушбу макон одамлари хотирасида “Авесто”нинг инсонпарвар ғоялари сақланиб қолди.

“Авесто” таълимотининг зардуштийлик ғоялари дунёнинг қатор мамлакатларида турли мутахассислар томонидан тадқиқ этилди ва зардуштийлик динининг кишилик жамиятини такомиллаштириш, инсон-жамият-жараён яхлитлиги ва изчил тараққиёти, инсон ва табиат ўртасидаги юксак ахлоқий муносабатларни ўзида мужассам этган ислоҳчилик жиҳатлари илмий-назарий томондан анча чуқур ўрганилди ва эътироф этилди. Жумладан, В.А.Лившицнинг хулосаларига кўра “Рухоний Зардушт энг қадимги диний тасаввурларни ислоҳ қилган шахс сифатида майдонга чиқади, унинг яшаган пайти, ватани ва қаерларда ўз таълимотини тарғиб қилгани мунозарали бўлсада, унинг афсонавий шахс эмас, реал инсон бўлганлигига шубҳа йўқ”³.

² Беруний А.Р. Танланган асарлар. 1-жилд. Т., “Фан”, 1968. 72-84-бетлар.

³ Авеста. Лившиц В.А. Предисловие. «Адиб». 1990. стр.-3.

“Авесто” ғояларида инсон ва табиат, ҳаёт ва унинг моҳияти атрофидаги дастлабки тасаввурлар илгари сурилади ва бу ғоялар инсоният цивилизациясининг илк куртаклари сифатида ўзини намоён этади. Дарҳақиқат, тарихий тараққиёт шундан далолат берадики, инсоният тафаккури ва тасаввури эволюцион тараққиётининг илк босқичлари бевосита “Авесто”га бориб тақалади ва ундан етарли даражада қувват олди.

Бундан уч минг йил бурунги одамлар тасаввуридаги илк ўзгаришлар бевосита “Авесто” орқали умуминсоний қадриятлар мақомини эгаллади. Жумладан, “Авесто” турли қабилалар, гуруҳлар ўртасида мавжуд бўлган кўп ҳудодилик ҳаёт тарзига нукта қўйиб, яккахудолик ғоясини илгари сурди. Бу диний таълимотда инсон қандай гуруҳ, уруғ, қабила ёки миллатга мансуб бўлмасин, ер юзининг қайси ҳудудида яшамасин, у ёлғиз Аллоҳнинг бандаси ва ягона Аллоҳ унинг асрагувчисидир, деган ғояга олиб келди. Яккахудолик орқали “Авесто” турли қабила ва уруғларни ягона эътиқод, ягона маслак ва ягона ғоя орқали бирлаштириб, умумий манфаатлар атрофида жипслашишга даъват этди.

Иккинчидан, аллоҳнинг ягоналиги — яккахудолик орқали турли қабила ва уруғлар ўртасидаги низолар, келишмовчиликлар ҳамда манфаатлар тўқнашувига чек қўйиб, умумий мақсадлар, умумий ғоялар, ягона эътиқод атрофида бирлашишга олиб келди. Натижада кишилиқ жамиятининг илк шаклланиш босқичига асос солиб, бошқарув тизимининг вужудга келишига, дастлабки давлатчилик бошқарувининг шаклланишига кучли таъсир кўрсатди.

Учинчидан, одамларни эзгуликка, яхшилиқка даъват этувчи илоҳий имдод бўлиб дунёга келди.

Зардуштийлик динига сиғинувчилар куёш ва сувга эътиқод билан қарашади. Сувлар, дарёлар, сойлар ва кўлларни Ардвисура-Анахита — Нохид юлдузи тимсолида кўришади. Сув орқали бутун ҳаёт, борлиқ тақдирини, мавжудлигини ана шу юлдузга боғлаб ҳамду санолар айтишади, мадҳлар қуйлашади, илтижолар қилишади, тўкин-сочинлик, фаровонлик истаб дуолар айтишади. Жумладан:

“Барча сувларни олқишлаймиз. Барча гиёҳларни олқишлаймиз.

Барча ашаванларнинг ҳалол, қудратли ва олийжаноб фравашийларини олқишлаймиз.

Сувларни чорлаймиз ва шарафлаймиз.

Гиёҳларни чорлаймиз ва олқишлаймиз.

Барча ашаванларнинг пок, забардаст ва эзгу фравашийларини чорлаймиз ва олқишлаймиз”⁴.

Ана шу тарзда Зардуштийлик таълимотида сувга фаровонлик, ризқу рўз, тўкин-сочинлик манбаи сифатида қаралади. Барча жонзотлар, ҳайвонлар, ўсимликлар сув билан тирик. Ризқу рўз айна сув орқали баракали булади. Шунинг учун сувга, дарёю сойларга ва анҳорларга мадҳиялар айтилиб, улар муқаддас саналади. Сувга нисбатан поклик, покизалик, азизу мукаррамлик,

⁴ “Авесто”. Шарк. Т.; 2001. Мансур яштар. Фарвардин қасидаси, 22 бўлим, 79 банд.

бутун борлиққа қайноқ ҳаёт ва жўшқин руҳият бахш этгувчи ҳилқат сифатида қаралади.

Атоқли олимлар Маҳкам Маҳмудов ва Ҳамидулла Болтабоевларнинг хулосаларига кўра “Авесто”ни фақат оташпарастлар китоби дейиш, Зардуштийликни фақат оташпарастилик дини дейиш тўғри эмас. Чунки бу муқаддас ёдгорликда Қуёшга, унинг заминдаги рамзи бўлган оловга ибодат қилишдан ташқари Митра-Меҳр, Сув юлдузи-Анахита, Баҳром-Вертначна, Аши-Ҳақиқат, Аша-бахтли Толеъга ҳам сажда ва ибодат қилинади. Бошқача айтганда, “Авесто”да табиатнинг қудратли кучлари поэтик тафаккур билан илоҳийлаштирилади, муқаддас қадриятлар идеаллар сифатида табиатни яшнатувчи кучлар улуғланади”⁵.

Юқоридаги фикрга яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, “Авесто” сўз санъатининг нодир наъмунаси сифатида ўзида юксак поэтик тафаккур билан ниҳоятда кенг фалсафий тафаккурни мужассам этган ноёб илоҳий фалсафадир.

“Авесто”да Қуёш ҳаёт манбаи. Ўсиш, улғайиш, яшаш учун рағбат берувчи илоҳий омил сифатида қаралади. Иккинчи томондан Қуёш меҳр, мурувват, эзгулик, бутун борлиққа марҳамат кўрсатувчи илоҳ образи сифатида ифода этилади, унга саждалар қилинади, ҳамду санолар ўқилади.

“Сен бу ҳонумонда ёруғлик бўл!

Сен бу хонумонда абадий нур бўл!

Сен бу хонумонда мунаввар бўл!

Узоқ-узоқ замонлар растохез (қиёмат)га қадар пойдор бўлиб, сен абад-абад, то машҳар кунига довур эзгу ва қудрат соҳиби бўл!”⁶

Қуёшга ана шу тарзда бутун борлиқни асрагувчи ва ривожлантиргувчи манба сифатида қаралади. Боғ-роғларнинг, ўсимликларнинг ўсиши, ҳайвонот оламининг беэиёнлиги, инсон ҳаётининг кут-барақаси ва фаровонлиги Қуёш билан боғлиқ ҳолда тушунилади. “Хуршид-Яшт”да Қуёшга илтижолар қилинади, саловотлар ўқилади, ҳамду санолар айтилади.

“–Эй, пок Ҳавм⁷!

Мен сени ўз бағрида ундирган серҳосил ва кенг заминни олқишлайман!

Мен сени гиёҳлар паҳлавони, хушбўй, олийжаноб Мазда гиёҳи қилиб ўстирган заминни олқишлайман!

– Эй, Ҳавм!

Тоғлар чўққисида униб-ўс ва ҳамма ерда шоду хуррам бўл!

Шубҳасиз сен Ашаҳ-Ҳақиқат сарчашмасисан!”⁸

Бу инсон ва табиат ўртасидаги муносабатнинг, ўзаро боғлиқлик ва уйғунликнинг ўзига хос кўриниши. Илоҳий тафаккур билан дунёвий

⁵ Болтабоев Ҳ, Маҳмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи. Т., Мумтоз сўз нашриёти, 2012, 291-б.

⁶ “Авесто”. Шарқ, Т.; 2001. Гохлар, 62-хот, 3-банд.

⁷ Ҳавм – санскрит тилида “савма” – муқаддас гиёҳнинг номи. Шифобахш ўсимлик сифатида ҳавм шарбати маросимлар чоғида татилади.

⁸ “Авесто”. Шарқ. 2001. Гохлар, 10-хот, 4-банд.

фалсафанинг синтезлашган ҳодисаси. Ҳавм дарахтига сифиниш, унга илтижолар қилишда табиатни, яшиллик оламини, гиёҳларни, ризқу рўзни, фаровонликни асраш матлаби ётади. Ва ана шундай олийжаноб “Мазда гиёҳи” сифатида унга ҳамду санолар ўқиб, олий Ҳақиқатнинг муқаддас неъматини даражасига кўтарилади. Унинг тоғлар чўққисида дуркун, шоду хуррам, яъни барқ уриб ўсишини тилашади, ундан мадад сўрашади. Ўз тақдирларини, турмуш фаровонлиги ва ризқу рўз баланд бўлишини унинг тимсолида кўришади. Ана шундай илоҳий дарахтни вужудга келтирган сарзаминга олқишлар айтишиб, илтижолар қилишади.

Зардуштийлик дини инсоният тарихида юзага келган барча динларнинг энг қадимийси, энг кўҳнаси ва айни пайтда инсоният тараққиётига илк рағбатлантирувчи, даъват этувчи маънавий-маърифий, руҳий-ахлоқий қудрат бўлиб дунёга келди. Шарқнинг жуда катта ҳудудидаги халқлар айни ана “Авесто” ғоялари орқали ўз турмуш тарзига ахлоқ ва маънавиятнинг, комиллик ва етуқликнинг ўзига хос меъёрларини қабул қилдилар, турмуш тарзига айлантирдилар.

Олов, сув зардуштийлик таълимотида энг муқаддас ва покизалик тимсоли. Уни ифлослаштиришга, булғашга интилишлар ғайриинсоний ва ғайриилоҳий воқелик сифатида талқин этилган. “Покиза сув ва ёниб турган олов қаршисида густохлик қилган зотнинг дўзахда тортгувчи жазоси бу дунёнинг жамийки дарду озорларидан мудҳишдир...”⁹. Ана шу тарзда сув ва олов руҳ покизалиги, туйғу мусаффолиги, қалб гўзаллиги ва эътиқоду умидларнинг безаволлиги даражасига кўтарилади. Натижада кишилик жамияти маънавий қиёфаси, одамларнинг ички дунёси, фикр-ўйлари ва амалий хатти-ҳаракатларининг маданийлашишига олиб келадиган қудратли мафкурага айланди. Инсон, жамият ва ҳаёт жараёнининг мислсиз раванқига асос бўлиб хизмат қилди.

“Авесто” ана шу тарзда одамларни эзгуликка даъват этувчи, яхшиликни ҳамоя қилувчи, ёвузлик ва жаҳолатдан узоқлашишга чақирувчи ғояларни илгари сурди:

“Зардушт Аҳура Маздадан сўради:

Бутун вужуди илоҳий калом – мансаралар билан қуролланган қудратли илоҳ Сурушнинг Сравашаваризи ким?

Аҳура Мазда жавоб берди:

Эй, Ашаван Зардушт!

У Правдарш қушидир (хўроз)... Бу қуш бомдод маҳали эрта тонгда шундай деб бонг уради:

Эй инсонлар!

Оёққа калқинг! Девларни итқитиб ташлагувчи энг гўзал Аша - Ҳақиқатни васф айланг!...”¹⁰.

Бир неча минг йилларки, инсоният тонгни хўроз қичқирғи билан кутиб олади. Бомдод пайтида хўрознинг қичқирғи уйкудаги одамни уйғотади,

⁹ “Авесто”. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси. Т., 2001. “Вандидод”. 4-фарғард. 54-банд.

¹⁰ “Авесто”. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси. Т., 2001. “Вандидод”. 18-фарғард. 14-15-16-бандлар.

ғафлатдан кутқариб, унинг юрагида сирли, синоатли туйғуларни жунбушга келтиради. Хўроз қичқириғи одамга ҳаёт мавжудлигини, у давом этаётганлигини, инсон ғафлатдан уйғониб, эзгулик, яхшилик ва муҳаббат билан янги кун тонгида янги қувват ва туйғулар билан қадам ташлаши зарурлигини эслатгандай бўлади. Бу ўзига хос руҳий ҳолат кишини эзгуликка даъват этиши табиий. Ана шу тарзда “Авесто” инсоннинг энг нозик хисларига таъсир этади, уни уйғотади, яхшиликка бошлайди. Зардуштийлик таълимотининг мўъжизавий кудрати ва ижтимоий-тарихий моҳияти ана шундай сафарбарлик бонги сифатида кўзга яққол ташланади.

“Авесто” Ўрта Осиё халқлари кўп минг йиллик тарихи моҳиятини ўзида мужассам этган. Уч минг йиллик тараққиёт йўли, кишилик жамияти эволюяси, унинг ривожланиш қонуниятлари бевосита “Авесто” ғоялари ва қоидалари асосида ривожланиди. Умуман олганда Туронзамин ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, маданий-маънавий олами, ўзига хос беқиёс қадриятлари ана шу мўътабар тарихий-маданий ёдгорликнинг меваси дейишимиз мумкин.

“Авесто” ғоялари ҳақида гапирар экан, М.Умарзода қуйидагиларни баён этади: “Зардуштий фалсафасига кўра яхшилик ва ёмонлик кишиларнинг ботинида – ички дунёсида яшайди. Инсон Ахриман ё Ахура Мазда тарафида бўлиши мумкин, чунки эзгулик фариштаси уни ҳамиша яхшилик қилишга, ёвуз Ахриман эса уни ёмонлик қилишга ундайди ва бу тортишув киши ҳаётининг охириги дамларигача давом этади... Агар биз Авестони улуғ ахлоқ китоби десак, муболаға бўлмайди. Зардуштийлар яхши сўз, яхши амал ва яхши андишани илоҳийлаштириб, бу уч номлар билан аталган муқаддас Рухларга бағишлаб ҳар кун уч мартадан намоз ўқир эдилар. Моздапарастлик динида ёлғон гапириш, бировни алдаш кечириб бўлмас гуноҳ ҳисобланади. Зардушт ақидасига кўра инсон зулмат ичида қолиб, саргардон бўлмаслиги учун ростлик ва ҳақиқат чироғини қалбида ёқиши керак”¹¹, - деган эди. Ана шу тарзда Шарқ феномени – юксак ахлоқ ва одоб, комиллик ва етуклик, покиза ҳаёллар, эзгуликлар ва яхшиликлар инсон моҳиятини белгилайдиган омилга айлантирилди. Айни ана шу инсон феъл-атвори ва муносабатларини белгилайдиган ўлчовлар Туронзамин халқлари, жумладан, ўзбеклар феъл-атворининг шаклланишига асос бўлди.

“Авесто” инсон хатти-ҳаракатлари ва феъл-атворини тартибга солувчи турмуш меъёрлари қомуси сифатида ҳам алоҳида аҳамиятга эга. У инсон ҳуқуқлари, жинойят ва жазо, хатти-ҳаракатлар учун жавобгарлик, ўзаро муносабатларнинг қонун-қоидаларини ишлаб чиқдики, бу билан жамият маънавий қиёфасини шакллантиришга асос бўлган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат мақомини эгаллади. “Авесто”нинг ҳуқуқий-меъёрий жиҳатларини ўрганар экан, А.Периханян уни бир неча йўналишларда талқин этади. Жумладан: Динга қарши жинойятлар – турли дин вакиллари билан муносабатда бўлиш, оила қуриш, руҳонийларнинг вазифалари, бурчлари, масъулиятлари, худосизлик ва бошқалар.

¹¹ Умарзода М. “Овесто” сирлари. “Жаҳон адабиёти” журнали. 1997. 4-сон. 199-200-бетлар.

Шахсга қарши жиноятлар – бировга тазъийқ ўтказиш, зўравонлик, ҳаётига таҳдид солиш, шифокорларнинг масъулиятсизлиги, айниқса, ёш болали, ҳомиладор аёлларга нисбатан бефарқлик ва бошқалар.

Ҳайвонларга қарши жиноятлар – жумладан, уй ҳайвонлари, итлар, қушлар ва бошқа жонзотларга қарши хатти-ҳаракатлар, уларни қийноққа солувчи ҳодисалар.

Мулкӣй жиноятлар - ўғирлик, босқинчилик, фирибгарлик, талон-тарож қилиш, бировларнинг ҳисобига яшаш, бошқаларнинг мулкига зарар етказишнинг бошқа турлари.

Ахлоққа қарши жиноятлар – эр-хотин ўртасидаги хиёнатлар, гомосексуализм ва бошқа оғир ахлоқӣй жиноятлар.

Табиат кучларига қарши жиноятлар – Ер, сув, ҳаво, олов, ўсимлик дунёсига зарар келтирувчи, уларни ифлослантирувчи ёки барбод этувчи хатти-ҳаракатлар¹².

Ана шу жиҳатлардан қараганда “Авесто” зардуштийлик динининг муқаддас китоби сифатида оташпарастилик ғояларини тарғиб этиш билан бирга жамият тараққиётида маънавий-ахлоқӣй меъёрларнинг қарор топишига ва унинг такомиллашишига катта таъсир кўрсатди.

«Авесто»нинг ижтимоӣй-фалсафӣй ғоялари инсоният цивилизациясининг сарчашмаси, унга ғоят кучли таъсир ўтказган манба сифатида кўзга ташланади. Гарчи у Ўрта Осиёда дунёга келиб, ана шу макон халқлари ижтимоӣй, иқтисодӣй, маънавий, ахлоқӣй меъёрларини ишлаб чиққан бўлсада, унинг ғоят инсонпарвар ғоялари бутун инсоният маънавий мулкига айланди. Жаҳон фани, хусусан, ижтимоӣй фанлар намоёндалари ундан унумли фойдаланишди. Бу ҳақда атоқли олима Фозила Сулаймонова куйидаги фикрга келади: “Фалес борлиқнинг асоси сув, Анаксимандр ҳаво деса, Ҳераклитнинг фикрича, ҳамма нарсанинг асоси олов. Зардуштийлик таълимотида эса Ахура Мазда Амёша-Спента – олти кичик худолар – олти борлиқни оловдан барпо этган, олов уларга ҳаёт ва иссиқлик беради, дейилади. Ҳераклитнинг фикрича, олов ердан чиққан ва уни ўзгартириб юборган. Олов космосдаги дунёлар ўртасидаги алоқани таъминлайди. Ҳаво, сув, Ер оловдан пайдо бўлади ва маълум вақтдан сўнг ҳаммаси яна ўтга айланади... Дунёда ҳамма нарса доимӣй ҳаракат ва ўзгаришда. Қотиб қолган нарса эса умуман бўлмайдди. Доимӣй ўзгариш ва ҳаракатни Ҳераклит қарама-қаршилиқлар бирлиги ва кураши сифатида тушунади. Бу тезиснинг асосида зардуштийлик динидаги Ахурамазда билан Ангра-Манью, Яхшилик ва Ёмонлик ўртасидаги доимӣй кураш ётади... Ҳераклит ҳам зардушт каби абстракт тушунчани илоҳийлаштиради. Унинг фикрича донишмандлик - илоҳият... Илоҳият инсонлар қилмишини назорат остида тутиши греклар учун янгилик бўлиб, зардуштийларнинг Ахура Маздаси ва Амаша-Спентаси фаолиятининг айнан ўзи эди”¹³.

¹² Қаранг. Ртвладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. “Адолат” Т., 2001. 218-бет.

¹³ Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. «Ўзбекистон”. Т., 1997. 33-бет.

Демак, қадимги юнон фалсафаси ҳам қайсидир даражада айна «Авесто» ғояларидан баҳраманд бўлган, унинг ҳаётбахш, кишилик турмушига мазмун олиб кирадиган, уни баркамоллаштирадиган бунёдкорлик ғояларидан илҳомланган ва фойдаланган. Демокрит, Сукрот, Аристотел ва бошқа юнон алломаларининг фалсафий қарашлари бевосита «Авесто» таъсирида ривожланган ва дунёвий тафаккур даражасига кўтарилган.

Жаҳон фалсафий тафаккурининг шаклланиш омиллари ва ривожланиш манбалари, унга Шарқ фалсафасининг таъсири, ўрни ва роли хусусида гапирар экан, Ф.Сулаймонова Бельгиялик олим Жак Дюшен Гийёменнинг ибратли сўзларини келтиради: «Шарқ ўғлонлари орасидан Ғарб биринчи бўлиб Зарадуштрани ўғил қилиб олди. Унинг таълимоти Христос таълимотидан тўрт аср аввал Грецияни бойитди. Зарадуштрани Платон билган. Будда ва Конфуцийларнинг овози Европага етиб келгунча жуда кўп вақт керак бўлди. Шунинг учун асрлар давомида Ғарб қадимий Шарқ донишмандлиги билан фақат Зарадуштра орқали таниш бўлган»¹⁴.

Ана шу тарзда «Авесто» жаҳон халқлари тарихий тараққиётида инсоният цивилизациясининг муҳим манбаи бўлиб хизмат қилди. Жаҳон динларининг энг қадимгиси сифатида инсоният эътиқодининг рамзига айланди. Дунё тарихий тараққиётида бутунлай янги босқични бошлаб берди. Жаҳон халқлари, турли миллатлар қарашлари, диний эътиқодлари, маслаклари ва турмуш тарзларидан қатъий назар Зардуштнинг инсонпарвар ғояларини ўзлаштирдилар, ўргандилар, ўз ҳаётларига тадбиқ этдилар.

Маданиятлараро интеграция, турли халқлар ва мамлакатлар ижтимоий тафаккурининг шаклланиши жаҳон тарихий тараққиётининг муҳим омилдир. Қайсидир халққа мансуб бўлган буюк ғоявий қудрат, мўъжизавий тафаккур манбаи ҳаётнинг тадрижий ривож ва кишилик тараққиётининг эҳтиёжлари орқали умумдунёвий, умуминсоний қадриятга айланади. Халқлар, эллар ва элатлар уни ўз мулкидай қабул қилади ва кундалик турмуш тарзида муҳим манба, етук қоида сифатида фойдаланади. «Авесто» ҳам ана шундай умуминсоний қадрият даражасига кўтарилган ноёб ижтимоий-тарихий ҳодисадир.

ЗАРДУШТИЙЛИК – ЦИВИЛИЗАЦИЯВИЙ ҲОДИСА

«Авесто» буюк умуминсоний қадрият сифатида дунёга келди. У чексиз тафаккур ва тараққиёт ғояси сифатида умумбашарий маданиятнинг юксак чўққисига айланди. «Авесто» жаҳон цивилизациясига дахлдор бўлган умуминсоний қадриятларнинг ривож топишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилган буюк фалсафадир.

«Авесто» фалсафаси одам ва одамиятни, шахс ва шахсиятни, инсон ва инсониятни комилликка даъват этувчи, баркамолликка, етукликка чақирувчи улкан ва ноёб қадриятдир.

¹⁴ Қаранг. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб «Ўзбекистон». Т., 1997. 36-бет.

«Авесто» фалсафаси — одам ва олам, инсон ва жамият ҳақидаги тасаввурларнинг, улар ўртасидаги муносабатларнинг жамулжами, ифодаси. У инсоннинг ҳиссий ва ақлий оламига таъсир ўтказувчи, кишини фикрлашга даъват этувчи буюк қадрият.

«Авесто» фалсафаси — табиат, жамият ва инсон ўртасидаги муносабатларни маънавий-руҳий ва ахлоқий мезонлар орқали уйғунлаштирувчи, кишини қуршаб олган оламини, унинг тараққиёт омилларини ўрганишга, ҳаёт мазмунини англашга чорлагувчи фалсафа.

«Авесто» фалсафаси — ҳаракатдаги дунё, бутун мавжудот, жонли ва жонсиз оламга нисбатан инсон муносабатларини ақл-идрок, чексиз тафаккур орқали баркамоллаштириш ғоясини ўзида мужассам этади. Инсонга ҳиссий олам билан фикрат дунёсининг синтези шаклида таъсир ўтказади.

«Авесто» фалсафаси — инсонга хос бўлган поклик, эзгу ният, покиза туйғу, тупрокни муқаддас билиш, Ватанни англаш сингари олижаноб фазилатларни юксак ахлоқий меъёрлар ва тафаккур тарзи орқали ифода этади.

Турли ғоялар, ақидалар авж олган, улар таъсиридаги одамлар муносабатлари бир-бирига зид бўлган, кўпхудолик шаклидаги ғоявий курашлар таъсирида тараққиёт ва инсон ҳаёти чигал ҳолга келиб қолган бир пайтда «Авесто» яккахудолик ғояси остида мақсадлар муштараклиги, манфаатлар уйғунлиги, яхлит жамиятни вужудга келтириш орқали одамлар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштиришга даъват этувчи инсонпарвар фалсафа сифатида дунёга келди.

Абу Райҳон Берунийнинг фикрича, «Авесто» айрим ҳолларда, ҳатто, давлат яхлитлиги ва бирлигини таъминлашда, бошқарувда умумманфаат ва ғоялар муштараклигини вужудга келтиришда муҳим роль ўйнаган. Бу, айниқса, сосонийлар даври учун хос хусусият бўлган.

Одамлар қалбидаги эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик туйғуларининг ўзаро курашида яхшилик тантанаси ва эзгулик ғолиблигини таъминлашда одамларга маънавий қудрат, маънавий рағбат, руҳий даъваткорлик вазифасини ўтайди. Бу нафақат зардуштийликка дахлдор бўлган одамларни, балки бутун инсониятни яхшилик сари буришга, кишилик ҳаётида юксак маънавият ва маданиятнинг кириб келишига сабаб бўлади.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «Авесто» сингари нодир маданий ёдгорликлар қандай ғоя ва мақсадга хизмат қилмасин, улар ўз давридаёқ умуминсоний қадриятга айланган. Демак, уларни ўрганиш, тадқиқ қилиш, ўқиш ва уқиш зарур. Масаланинг иккинчи томони ҳам бор: Инсоният ҳамиша ғоясидан, мафкураси ва таълимотидан катъи назар, тараққиётга хизмат қиладиган жиҳатларни ва омилларни ўрганади. Унга эҳтиёж сезади. Уни асраб-авайлайди. Зотан, ҳар қандай цивилизация ғоялар, мафкуралар ва таълимотлар тўқнашувидан, улар орқали оламини англаш, идрок этишдан бошланади. Ана шу нуқтаи назардан ҳам «Авесто»нинг мустақиллик шароитидаги ижтимоий, маънавий, ахлоқий, фалсафий, тарихий ва мантикий аҳамияти катта.

«Авесто» ўзининг маънавий-ахлоқий қарашлари билан, бир неча минг йиллик кишилик тараққиётида цивилизациявий таъсир кўрсатган, бутун борлиқ, мавжудот, жумладан, инсон моҳияти билан боғлиқ бўлган буюк қадрият. У диний-асотирий қарашларга асосланган бўлса-да, туб моҳияти билан дунёвий тафаккурнинг ноёб, ўзига хос, баркамол мажмуаси фундаментал қарашларга асосланган, қомусий аҳамиятга эга бўлган буюк ёдгорликдир. Зардуштийлик таълимотининг нодир мажмуаси сифатида ««Авесто»» инсоният тафаккурининг генезисини, унинг эволюцион тараққиёт тамойилларини мантиқий асослаб берганлиги билан қимматли. Зардуштийлик фалсафаси бевосита инсон қалби, ҳис-туйғулари, орзу-умидларини ижтимоий адолат ва юксак ахлоқий меъёрлар асосида ифода этадики, бу ўз даврида мутлақо янги қарашлар тизими, инсон моҳиятини ташкил этувчи ғоя сифатида кескин бурилиш ясади. Натижада инсоннинг истиқболга ишончини мустаҳкамлайдиган, янги тафаккурни қарор топтирадиган, ирода қувватини оширадиган, маънавий-руҳий воситага айланди. У шаклланган фалсафий дунёқараш бўлиб, жамият ва инсон муаммолари ечимини топишда, уни илмий-назарий тадқиқ этишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Зардуштийлик фалсафасида жамоа бўлиб яшаш, ягона мақсад, ягона эътиқод атрофида бирлашиш ғояси эндигина юзага келаётган бир пайтда яккахудолик ғоясининг илгари сурилиши қадимий Турон ва минтақа халқларининг янги цивилизациявий босқичдан далолат беради.

Дарҳақиқат, мазкур қадимий ёзма ёдгорлик инсон ва унинг ахлоқий қарашлари генезисини, кишилик жамияти ривожланиш тамойилларини нафақат маънавий, балки ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва қадриятий асосларини ўзида мужассам этган. Айтиш мумкинки, бундай нодир маданий ёдгорликларни талқин этиш аждодларимиз ҳаётий тажрибасини, донишмандлигини, ақлий салоҳияти ва интеллектуал имкониятларини ўзлаштириб, ҳаётга тадбиқ этиш имконини беради. Бу эса ўтмиш билан бугун ўртасидаги боғлиқликни, узвийликни яна ҳам мустаҳкамлайди, истиқболни белгилашга ёрдам беради. Зотан, «Авесто» фалсафаси ҳар қандай даврда ҳам ўз қийматини, долзарблигини йўқотмайди.

Зардуштийлик қарашлари Турон, Эрон ва Озарбайжон ижтимоий тафаккур тизимининг илк босқичлари ҳақида ноёб маълумотлар берадики, бу ўша давр ижтимоий-маънавий муҳитини ўрганишда, узоқ аждодларимиз турмуш тарзи ва қарашлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишда, шунингдек, ҳозирги давр шароитида жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Айни пайтда, ҳозирги авлод маънавий-ахлоқий қарашларини бойитади, эзгуликка даъват этади. Хусусан, XXI аср цивилизацияси пайтида, миллий-ахлоқий тамойилларга жиддий салбий таъсир кучаяётган, деградация ҳолати юзага келаётган бир шароитда қадимий миллий қадриятларни ўрганиш яна ҳам долзарб аҳамият касб этади. Бу жамиятда инсоннинг ўрни, мавқеи, унинг қадрият сифатидаги мақомини тушунишда, шу орқали келажакка ишончини қатъий мустаҳкамлаб, ички

ички яратувчилик иқтидорини рўёбга чиқаришга, бунёдкорлик имкониятларини кенгайтиришга ёрдам беради.

«Авесто» ғояларини тадқиқ этиш антик ахлоқий-эстетик қарашларни, илк ижтимоий онг маҳсули сифатида минтақа халқларининг инсоният цивилизациясига кучли таъсир этган интеллектуал қудратини яхлит ҳолда, тизимли тарзда, қиёсий ва танқидий ўрганишни тақозо этади. Бу, бугунги Авестошуносликнинг муҳим вазифаларидан биридир. Шунини таъкидлаш керакки, бу борада қилинаётган ишлар ҳали етарли даражада эмас. Зардуштийлик қарашларининг ижтимоий, иқтисодий, маънавий, ахлоқий, фалсафий, тарихий, мантикий, ҳуқуқий жиҳатлари алоҳида-алоҳида йўналишларда фундаментал тадқиқотни талаб этмоқда. «Авесто»нинг ахлоқий-меъёрий ва маънавий талаблари яхлит ҳолда, комплекс тарзда чуқур таҳлил қилиниши лозим.

Зардуштийлик фалсафаси туб моҳияти билан ижтимоий ҳодиса сифатида намоён бўлади ва ижтимоий моҳият касб этади. Унда инсон ва жамият, олам ва одам муносабатлари ўзига хос пафос билан, ўзига хос оҳанг ва қатъий талаб билан илгари суриладики, бу инсоншунослик ва жамиятшуносликнинг таянч нуқтаси ҳисобланади. Шу билан бирга, ахлоқ, антропология, антология, космология ва бошқа бир қатор тадқиқот йўналишларининг жиддий равишда чуқурлашишига олиб келади.

Ижтимоий қадрият сифатида инсон Зардуштийлик қарашларининг прототипи ҳисобланади. Эзгулик ва ёвузлик муаммоси инсон феъл-атвори, қарашлари, хатти-ҳаракатлари доирасидан чиқиб, яхлит жамият моҳиятини қамраб олади. Натижада, эзгулик ва ёвузлик категорияси фалсафий тушунчага айланиб, ижтимоий моҳият касб этади. Умуман олганда, «Авесто» фалсафаси оламга туб ахлоқий категориялар орқали қарайди ва кишилик жамиятини ана шу ўлчовлар асосида ривожлантириш ғоясини илгари суради.

Зардуштийлик қарашлари ўзининг ижтимоий, маънавий, ахлоқий, фалсафий жиҳатлари билан, айтиш мумкинки, инсоният тарихида кенг миқёсли ислохчилик ролини бажарди. Ижтимоий ҳаётнинг янги ахлоқий ва фалсафий концепциясини ишлаб чиқди. Уни жамият ҳаётига тадбиқ этди. Адолат, эзгулик, яхшилик ғояларини илгари суриб, инсоният тафаккур тарзини янги босқичга олиб чиқди. Шу билан кишилик тарихий тараққиётида янги, ўзига хос цивилизациявий босқични бошлаб берди.

Зардуштийлик таълимоти ўз даври одамлари тафаккурида кескин бурилиш ясаб, ижтимоий онгнинг бутунлай янгиланишига, кишилик жамиятини мазмунан бойишига олиб келди. Бу ўша давр учун тафаккурдаги жиддий тўнтариш, қарашлардаги мислсиз эврилиш эди. Асотирий-диний таълимот сифатида зардуштийлик эътиқод категориясини ибодат, тақво билангина чегараламай, ижтимоий моҳият касб этишига эришди. Ҳаёт мазмунини, инсон моҳиятини ўзида мужассам этган ҳолда, эзгулик туйғусини асосий таянч қилиб олди. Бошқача қилиб айтганда, динга эътиқод инсонийлашган, ҳаётийлашган, кундалик турмуш лаззати ва ҳаёт моҳиятини ўзида мужассам этган эзгуликка эътиқод даражасига олиб чиқилди. Яъни, Зардуштийлик таълимотининг мағзи сифатида эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал

(“Пиндори нек, гуфтори нек, кирдори нек”) тамойили асосий ўринни эгаллади. Инсоният тафаккуридаги бундай туб бурилиш ўша даврнинг ўзига хос цивилизациявий ҳодисаси эди.

«Авесто» ғоялари ўзининг фалсафий ва ижтимоий моҳияти билан ўз даврига хос ибтидоий қарашларга барҳам бериб, қотиб қолган ғояларни синдириб ташлади. Инсон тафаккури чегараларини кенгайтирди. Янгича фикрлаш, янгича муносабат билдириш, эътиқод ва яхшилик, эътиқод ва эзгулик уйғунлигини юзага келтиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилди. Унда, адолат ҳукмрон бўлган, ақл ва тафаккур асосида қурилган жамият орқали баркамол инсон, ахлоқий жихатдан етук шахс тамойили илгари сурилди. Бу билан ушбу ғоялар диний-теологик доирадан чиқиб кетиб, яхлит дунёвий тафаккур ва фалсафий қарашлар манбаига айланди.

Бугунги авестология ана шу қадриятини мўлжаллар нуқтаи назаридан Зардуштийликнинг ахлоқий асосларини тадқиқ этиш, жамият ахлоқий ва маънавий тафаккури моҳиятини очиш орқали ушбу таълимотнинг илмий ва тарихий ўрнини аниқлаш, ундан фойдаланишнинг назарий ва амалий технологияларини яратишни тақозо этади. Жумладан, Зардуштийлик космогенезиси, унинг эволюцияси, инсон ва жамият дунёқарашига ўтказган ғоятда катта таъсири асосларини чуқур тадқиқ этиш ва аниқ илмий хулосаларни илгари суриш давр талабидир. Жумладан:

- Зардуштийликнинг ахлоқий, ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий қарашларини тизимлаштириш, уни илмий тадқиқот объектига айлантириш орқали Зардуштийлик таълимотининг моҳиятини очиш ва илмий асослаш;
- «Авесто» ғоялари асосида кишилик тараққиёти тенденцияларини, таназзул ва тараққиёт омилларини қиёсий ўрганиш;
- «Авесто» ғояларидаги кескин янгиланишлар ва эврилишларнинг цивилизациявий моҳиятини очиш;
- Зардуштийлик таълимотида илгари сурилган миллий ва умуминсоний қадриятлар манбаларини ва асосларини қиёсий тарзда ўрганиш ва таҳлил қилишни, уларни замонавий талаблар асосида ривожлантиришни таъминлаш;
- «Авесто»даги ўзаро қарама-қарши куч – Эзгулик ва Ёвузлик категорияларининг илмий-фалсафий, маънавий ҳамда ижтимоий моҳиятини очиш ва шу орқали унинг ижтимоий аҳамияти тадқиқ этиш;
- «Авесто» ва глобаллашув, экологик маданиятни шакллантириш масалаларида янги тадқиқот объектлари пайдо бўлаётганини қайд этиш, истиқболда уларнинг инсониятга келтириш мумкин бўлган офатлардан огоҳ этиш;
- Зардуштийлик ғояларидаги миллий ва умуминсоний қадрият мезонларини аниқлаб олиш ҳамда уларни ҳаётда жорий этишда маданиятлараро интеграция ниқоби остида оммавий маданият таҳдиди кучайиб бораётган бир пайтда унинг кенг имкониятларидан фойдаланиш механизмини илмий ва амалий жихатдан асослаш зарур. Бу Шарқу Фарб ўртасидаги азалий рақобатда ўзини-ўзи ҳимоя қилиш, ўтмиши ва

истикболини асраш инстинктининг кучайишига, ҳар бир фуқаро қалбида миллий-мафкуравий иммунитетнинг барқарорлашишига, ғоявий курашчанлик фазилатларининг кучайишига муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Умуман олганда, Зардуштийлик қарашлари нафақат дунёга келган ҳудуд халқлари, балки бутун инсоният тараққиётига ижобий таъсир этади. У ҳар бир индивид, ҳар бир инсон қалб манзараларининг гўзаллашишига, яхшилик, эзгулик туйғуларининг ривожланишига таъсир этиши жиҳатидан қайсидир даражада хусусий моҳият касб этади. Бироқ, якка-якка шахсларнинг бирлашган гуруҳи – жамият нуктаи назаридан қараганда, умумижтимоий аҳамият касб этади. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир инсоннинг ички маънавий қудрати Ахура Мазда сиймосидаги эзгуликнинг ёрқин ва қудратли кучига, Ахриман тимсолидаги унга қарши турган ёвузлик иллатларининг ўзаро тўқнашуви орқали яхлит ҳаёт моҳияти очилади. Эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш инсон ва инсоният ҳаётининг бутун мантиғини ўзида мужассам этади. Ана шу тарзда ҳар бир индивиднинг маънавий қудрати жамият маънавий қудратини белгилайди. Яъни, инсон маънавий-маърифий қарашлари ва жамият маънавий қиёфаси синтезлашиб, кишилик жамиятининг бутун моҳиятини, тараққиёти ва истиқболини белгилайди. Ана шу омил инсон, табиат ва жамиятни моҳиятан туташтирувчи ва уларни мукаммалаштирувчи куч, қудратли восита шаклида намоён бўлаётганини кўрсатади.

«Авесто» ғоялари асотирий-диний дунёқараш асосига қурилган. У дунёга келган давр талаби жиҳатидан қараганда шундай бўлиши ҳам керак эди. Чунки инсониятнинг илк тафаккур куртаклари яхлит таълимот сифатидаги фундаментал фан юзага келишидан олдинроқ дин, афсоналар, ривоятлар, асотирлар асосида шаклланган. Қадимги аجدодларимиз ҳали ёзув пайдо бўлмасидан олдин, қарийб уч миллион йил оғзаки мулоқотда бўлишган. Ана шу даврда бевосита ривоятлар, афсоналар орқали маълум бир ғояни илгари суриш, асотирлар орқали тегишли мақсадлар ва манфаатлар атрофида бирлашиш тамойили қарор топган. Илк дин сифатида дунёга келган Зардуштийлик дини ва «Авесто» қарашлари ана шу давр маҳсулидир. Шунинг учун ҳам ундаги эзгулик ва ёвузлик категориясининг долзарблиги, икки қарама-қарши қутбнинг шафқатсиз кураши концептуал аҳамиятга эга бўлиб, Зардуштийлик қарашларининг бутун моҳиятини белгилайди. Ушбу қарашлар эса, дунё ва инсоният маънавий тараққиётининг муҳим омили сифатида ўзини намоён этди. Эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, муҳаббат ва нафрат, ёруғлик ва зулмат сингари қарама-қарши категориялар шунчаки диний-асотирий тушунча эмас, балки ижтимоий фалсафий моҳият касб этиб, яхлит инсоният тақдири ва истиқболи билан боғлиқ бўлган, унинг ҳаёт мазмунини белгилайдиган кенг миқёсли фундаментал илмий категория мақомига эгадир.

«Авесто»даги виждон тушунчаси бу шунчаки ахлоқий-маънавий тушунча эмас. Балки у конкрет ҳаёт, реал ижтимоий воқелик асосида шаклланган, ҳар бир индивид маънавий даражасини белгилайдиган, ўзини-

Ўзи назорат қилиб, ўзини-ўзи йўналтириб туришга, ўзини-ўзи иллатлардан тийиб, яхшилик ва эзгуликка йўналтиришга сафарбар этадиган ички қудрат, руҳий ирода. Виждон ҳисси ҳар бир инсоннинг инсоний моҳиятини белгилайдиган, уни қадрият даражасига олиб чиқишга даъват этадиган ички нидо, қақирқ, буйруқдир.

Албатта, ҳар бир инсоннинг ташқи олами, хатти-ҳаракатлари, феъл-атвори, муносабатлари жамият, табиат, атроф-муҳит таъсирида шаклланади. Бироқ, унинг шахс сифатида ривожланиши, камолотга эришиш ва етуклик даражаси бевосита ўзини-ўзи мувофиқлаштириб туриш, ўзини-ўзи такомиллаштириш каби ички маънавий қудратга, маърифий имкониятга ва руҳий бошқарув салоҳиятига боғлиқ. Ташқи таъсир ва ички қудрат ўртасидаги курашда энг мақбул йўлни танлай олган, иллатларини қамайтириб, фазилатларини кучайтириб борган инсонгина ўзининг жамиятдаги мустаҳкам ўрнига, ўзгалар тан олган ижтимоий мавқеига эга бўла олади. «Авесто» ғояларининг умуминсоний қадрият сифатидаги моҳияти ана шу омилларни ўзида мужассам этган ҳолда ҳеч қачон долзарблигини йўқотмайди.

Инсон ва унинг фаровон, тўлақонли ҳаёти, умидли дунёда армонсиз яшаш ғояси Зардуштийлик таълимотининг инсонпарварлик асосларини ташкил этади. Бу ғоя бевосита конкрет инсон ва реал ҳаёт ўртасидаги муносабатлар, ахлоқий меъёрлар, маънавий етуклик ва жамият ўртасидаги узвийликни белгиловчи омилдир. Яна бир нарсага алоҳида эътибор бериш керакки, бу бевосита инсон эрки ва озодлиги билан боғлиқ бўлган яхлит тизимдир. Бунда демократик тамойиллар шарқона одоб доирасида талқин этилади. Жумладан, эркинлик чексиз эмас, инсон гарчи эркин ва озод яшашга ҳақли бўлса-да, бу эркинлик ва озодлик маълум ахлоқий меъёрлар, маънавий чегаралар билан чекланган бўлмоғи керак. Акс ҳолда, кишилик жамияти, инсон ҳаёти, оила тушунчаси ўз моҳиятини йўқотади. Кўнгил тусаганча яшаш шаклидаги пароканда турмуш тарзи кишилик жамиятини таназзулга дучор қилади. Зардуштийлик қарашларининг умуминсоний қадрияти ана шу ерда ҳам яна бир бор кўзга ташланади. Бошқача қилиб айтганда, у бугунги кун умуминсоний қадриятлар ва замонавий ахлоқ талабларига ҳам тўла жавоб беради.

Зардуштийлик қадимий Турон ва Эрон халқлари тарихий тараққиётида муҳим ўрин эгаллаган. Ушбу ҳудуд халқлари тафаккурида кескин бурилиш ясаган. Янгича турмуш тарзи ва қарашларни қарор топтирган илк дунёвий диндир. Яъни унинг маънавий генезиси ва эволюцияси митраизм, брахманизмдан Зардуштийликка етиб келган, политеизмдан монотеизмга эришган цивилизациявий ҳодисадир. Янги даврга ўтаётганда у ўзигача бўлган даврда эришилган илғор қарашларни, ғояларни, амалий тажрибаларни, турмуш тарзидаги ибратли урф-одатларни сақлаб қолди ва ривожлантирди. Янги давр тарихий тарққиётини таъминлашда ўтмиш сабоқларидан фойдаланди, ўз ғояларини улар таъсирида бойитди ва реал воқеликка айлантира олди. Унинг ўлмас таълимот сифатидаги қудрати ана шу тарихий-маданий ҳодиса билан белгиланади.

Зардуштийлик таълимоти, хусусан, «Авесто» ўзига хос услубда яратилганлиги, ўта қизиқарлилиги, равон ва халқчиллиги, таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Унда инсон моҳияти бутун ички дунёси, маънавий олами, бетакрор ва ўзига хослиги, шу билан бирга, доимий равишда комилликка интилишга эҳтиёж билан яшаш ғояси муҳим ўрин тутди.

Ахура Мазда — бу бутун борлиқ, бутун олам, мавжудотнинг яхлит тимсоли. Инсон эса олам ичра олам. Бу ҳар икки оламнинг ўзаро уйғунлиги масаласи эса “Авесто” фалсафасида маънавий эҳтиёж даражасига олиб чиқилган. Ушбу ғоя кейинчалик бошқа дин ва дунёвий таълимотларда ҳам ўзига хос тарзда акс этган. Жумладан, ислом таълимотининг йирик намояндаларидан бири, тасаввуф фалсафасининг бетакрор вакили Жалолиддин Румий “Олами куброда неки бор, олами суғрода бор”¹⁵ деган эди. Яъни, кенг оламда, борлиқда нимаики мавжуд бўлса, у инсон ички оламида мавжуд. Инсон олам ичидаги кичик олам. Ташқи олам, ундаги ёруғлик ва зулмат, зилзилалар, довуллар, тошқинлар, нурафшон ва фарахли дамлар инсоннинг ички оламида, қалбида маънавий шаклда рухий суратда мавжуд. Таниқли инглиз олими Карл Ясперс “Инсон ўзида дунёни, макрооламни мужассам этган микроом (микроолам) сифатида фикр юритади. Инсон алоҳида моҳиятга эга эмас, у яхлит олам сифатида ўзини намоён этади”¹⁶ — дейди. Бунда улуғ файласуф инсон фикр юритмаса, ақлини ишлатмаса, тафаккур қилмаса, ташқи олам, ўраб турган дунё моҳиятини англашдан тўхтаса ўз моҳиятини йўқотади, деган хулосани илгари суради. Зотан, инсон олами (микроолам) (макроолам) кенг олам, борлиқ билан доимий, узлуксиз мулоқотда, ўзаро алоқада бўлмоғи шарт. Аниқроғи, инсон макроолам ичида яшаб туриб, уни бутун салмоғи, мураккаблиги, ранг-баранглигини ўз оламига жойлаб яшайди. Ана шу ҳолатнинг ўзи инсоннинг бошқа жонзотлардан фарқини белгилайди.

Айни пайтда инсоннинг доимий ривожланиш, тадрижий камолот йўналишлари интеллектуал салоҳият ва ҳиссий барқарорлик имкониятларини рўёбга чиқарадиган муҳим омилдир. Шунинг учун ҳам К.Ясперс ўз фикрини давом эттириб, “Оламни тадқиқ этиш тафаккуримизнинг ягона йўли. Оламни англаш экзистенциал англашнинг бирдан-бир йўли. Оламни йўқотиш билан бирга биз ўзимизни ҳам йўқотамиз”¹⁷, — деганида, Зардуштийлик таълимотидаги ғоя ва Румий фалсафий қарашларини ўзига хос тарзда давом эттирган эди. Ана шу жиҳатдан қараганда, тафаккурдаги жиддий ислохотлар ва янгиланишлар «Авесто»нинг асосий ғояси ҳисобланади. Бу ғоя ҳаёт тасдиғидан ўтган фалсафа, инсон моҳиятини очиб берадиган ва уни қадрият даражасига кўтарадиган ғоя сифатида ўзини намоён этмоқда.

Инсонни англаш бир қатор маънавий-ахлоқий тамойилларни назарий ўрганиш орқали амалга оширилади ва у ҳар бир инсон имкониятларини рўёбга чиқаришга ёрдам беради. Бу бевосита фалсафий тафаккурни янада

¹⁵ Румий Мавлоно Жалолиддин. Ичингдаги ичингдаир. (Масъул муҳаррир Н.Комилов). “Ёзувчи” нашриёти. Т.;1997.

¹⁶ К.Ясперс. смысл и назначение истории. «Республика». М., 1994, 443-бет.

¹⁷ Ўша манба.

такомиллаштиришни тақозо этади. «Авесто» фалсафаси ана шу нуктаи назардан моддий оламнинг янгилини бевосита инсон тафаккурининг янгилини билан боғлиқ бўлган жараён сифатида талқин этади. Жамиятнинг ривожланиши ёки таназзули инсоннинг маънавий ахлоқий даражаси билан боғлиқ ҳолда тушунтирилади. Бу унинг абадиёт билан боғлиғидан, ҳеч қачон қийматини йўқотмаслиғидан далолат беради. Айти пайтда унинг инсоният тарихий тараққиётида муҳим цивилизациявий ҳодиса эканидан тасдиқлайди.

ЗАРДУШТ УШШОҒИ

«Авесто» йирик асотирий-динӣ, фалсафӣ-маънавий дурдона бўлибгина қолмай, айти пайтда сўз санъатининг ҳам нодир, маҳобатли ёдгорлиғидир. У сўз мазмун юки билан йўғрилган фавқуллодда жарангдор, фавқуллодда оҳангдор, айти пайтда жўшқин овозга эга бўлган мукамал санъат асаридир.

Авестошунослик узоқ тарихий анъанага эга бўлишига қарамай, сўз санъатининг бетакрор мажмуаси сифатида ҳали тўла ўрганилмаган. Жумладан, унинг лисоний жиҳатлари, оҳанглари, сўз ва товушларнинг муסיқий уйғунлиғи, жозибали ва таъсирчан навозишлари чуқур таҳлил этилмаган.

Мутахассисларнинг хулосаларига кўра, зардуштийлик дини руҳонийлари «Авесто»нинг муסיқий жиҳатларига алоҳида эътибор беришган. Ўрта Осиё, Эрон, Ҳиндистонда ва умуман, зардуштийлик дини тарқалган ҳудудларда «Авесто»ни қироат билан ўқиш, қўшиқ қилиб қуйлаш мактаблари бўлган. Уларда «Авесто»нинг ҳар бир бандини, шеърӣ ё насрий бўладими, қатъӣ назар маълум бир оҳангга солиниб, жило бериб, қўшиқ қилиб қуйлаш сабоғи берилган. Бир-бирига уланган, бир-бирини боғлаб турган улкан ва маҳобатли, композицион жиҳатдан яхлит қўшиқни қироат билан ўқиш ва қуйлаш санъатини юқори даражада эгаллаган руҳонийлар маросимнинг мақсадидан келиб чиқиб ижро этишган. Одамлар эса ўз эҳтиёжи, эътиқоди ва мақсад-иддаосига қараб, ибодат пайтида, худога муножотлар қилиш ҳолатларида хоҳлаган қисмини қуйлашган.

Зардуштийлик дини тарқалган ҳудудларда «Авесто»ни қуйлашнинг ўзига хос қонуниятлари, меъёрлари ва талаблари мавжуд бўлган. Жумладан, аёллар уни бошқача, эркак руҳонийларга нисбатан фарқли ҳолда ижро этишган. Аёллар қўшиқларида Она тимсоли, она орзу-армони, оналик меҳри бола бахти-саодати, унинг тақдири ва истикболи билан йўғрилиб кетган. Айти пайтда Аҳура Мазда тимсолидаги эзгулик ва порлоқ келажак қафолати бўлган илоҳга саловатлар, мадҳлар, илтижолар ва муножотлар ўз ифодасини топган. Оналарнинг қўшиқлари бевосита бола тарбияси билан боғлиқ бўлган. Унинг баркамол, юксак эътиқодли шахс бўлиб етишишида «Авесто»ни ижро этишдан унумли фойдаланишган.

Зардуштийлик динига эътиқод қилувчи аёл, албатта, ўз фарзандининг ушбу динга сиғинишини истаган. Шунинг учун худди бизда ёш болаларга

алла айтилгани каби, улар фарзандларига «Авесто» бандларини кўшиқ қилиб куйлашган. Шу тарзда, бола гўдаклик пайтиданок сирли, синоатли, сеҳрли, жозибадор ва руҳиятга ором бергувчи оҳанглар таъсирида ўсган. Бошқача қилиб айтганда, болага чакалоқлигидаёқ зардуштийлик дини руҳияти она нафаси ва сути билан бирга сингдирилган. Табиий равишда, мурғак руҳият эндигона куртак очиб, ривожланиш палласини бошидан ўтказаетган ҳолатидаёқ илоҳий туйғулар, афсонавий оҳанглар, асотирий нафаслар орқали динга чуқур эътиқодли бўлиб ўсади ва шаклланади¹⁸.

«Авесто»нинг Ясна қисми тоат-ибодат кўшиқлари, Аллоҳга – Ахура Маздага ва унинг ёрдамчиларига саловатлардан иборат. Гоҳлар эса, шеърый шаклдаги қисм бўлиб, улар мустақил бешлик ашъорлардан иборат. “Гоҳ” сўзи қадимий паҳлавий тилида кўшиқ маъносини билдиради. Демак, гоҳлар қисми тўлақонли, яхлит, бир-бирини тўлдириб боровчи, бир-бирига узвий боғланган кўшиқлар мажмуаси.

Фақат ушбу кўшиқлар ҳар бир банднинг ҳажми, ҳижжолари, бўғинлари сони, сатрларнинг узун ё қисқалиги, оҳангдорлик даражаси ва, албатта, мазмунига, мақсадига ва ижрочининг тилаклари, орзу-умидларига қараб куйланган. Гоҳ сўзи зардуштийлик дини тарқалган ҳудудларда ҳозиргача ўз маъносини сақлаб қолган. Жумладан, қадимий Турон халқлари, хусусан, ўзбекларда ҳам ушбу сўз ўз маъносини йўқотмаган. Шарқ мумтоз кўшиқчилиқ санъатининг гултожи бўлган “Шашмақом”нинг айрим йўналишлари айнан “гоҳ” сўзи билан боғлиқлиги ҳам кишини бир мунча ўйлантиради. Жумладан, “Дугоҳ”, “Сегоҳ”, “Чоргоҳ” ва бошқалар илдизи энг қадимий, илк ибодат кўшиқчилигига бориб тақалмайдимики? Чунки айна шу оҳангларда ўта нозик, тингловчи туйғуларини жунбушга келтирадиган илоҳий қувватни, қон-қонимизга, бутун вужудимизга сингиб кетган ҳаётбах ҳиссиётни чуқур англаймиз.

Гоҳлар ўз бўғинлари, товушларнинг жойлашиши, гапларнинг тузилиши, сўз қурилиши жиҳатидан ўзининг табиий, ҳайратомуз оҳангига эгаки, бундай матнни атайлаб яратиб бўлмайди. Албатта, «Авесто» аввал матн сифатида дунёга келган. Уни ўқиш, тушуниш жараёнлари эса узоқ давом этган. Зардушт руҳонийлари муқаддас китоб мазмунини тўла ўзлаштиргач, унинг таъсирчанлигини ошириш, тингловчи қалбига тез ва осон жойлашиб олиш, унинг ҳаяжон ва шавқу шуурини уйғотиш мақсадида кўшиқ қилиб ижро этиш йўлини танлашган ва тўғри қилишган.

Ҳар қандай фикр тўғридан-тўғри онга, ақлга таъсир қилади. Оҳанг, мусиқа эса туйғуга, ҳиссиётга. Инсон туйғу ва ҳиссиёт олами бўлгани учун унга фикрни қуруқ етказишдан кўра қалбига ҳужум шаклида кўшиқ қилиб айтиш катта самара беради. Ана шу тарзда «Авесто»ни кироат билан ўқиш, уни оҳангдорлик, жарангдорлик имкониятларини бўрттириб, кўшиқ қилиб куйлаш анъанага айланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келган. Бу анъана кундалиқ турмуш тарзига сингиб кетиб, уфр-одатга айланган бўлса-да, оилада фарзанд

¹⁸ www.vehi.net/nitshe/zaratustra/01.html.

туғилса, яна ҳам муҳимроқ аҳамият касб этган. Яъни бола туғилганиданок ушбу ҳазин ва умидбахш илоҳий кўшиқ таъсирига олинган. Аввал унга оҳанглари, мусикий жилolari сингдирилган. Овоз чиқариб, сўзсиз мусикий оҳангни ўргатишган. Бола сўзларни тўлиқ ўзлаштириб, талаффузи қиёмига етгандан кейингина унга кўшиқ қилиб куйлаш талаби қўйилган. Бу диний тарбиянинг энг самарали ва таъсирчан усули ҳисобланади.

Қадим-қадим замонларда, инсоният эволюцион тараққиётининг дебочасидаёқ матнларни тўғридан-тўғри ифодалашдан кўра уни кўшиқ кўринишида ижро этиш анча таъсирчан эканлиги маълум бўлган. Хусусан, диний ғояларни тарғиб қилишда уларни кўшиқ қилиб куйлаш орқали амалга ошириш катта натижа берган. Жумладан, маросимий, байрам кўшиқлари худди шундай тарихга, ривожланиш тамойилларига эга.

Мусиқашунослар Эрон мусиқаси ва кўшиқчилик санъатининг вужудга келишини диний кўшиқлар ижрочилиги тарихи билан боғлашади. Дастлабки одамлар кўшиқ санъати пайдо бўлмаган бир пайтда Аллоҳга бағишлаб кўшиқ оҳангида мадҳлар, селоватлар, таваллолар айтишган. Бу табиий ҳол. Нафақат Эрон, балки умуман Шарқ кўшиқчилик санъати, жумладан, ўзбек мумтоз кўшиқчилигида энг қадимги диний оҳанглари таъсирида шаклланган ижрочилик усуллариининг айрим элементлари ҳозиргача сақланган.

Европалик авестошуносларнинг хулосаларига кўра, Зардушт ўз даврида буюк кўшиқчи ҳисобланган. Унинг ижрочилик услуби намуна сифатида қабул қилинган ва зардуштийлар «Авесто»ни айнан унинг услубида куйлаб юришган. Замонавий компьютер технологиясидан фойдаланиб, профессор Мехер Мастер-Мусхоним ижросида Зардушт ижрочилик усуллари асосидаги кўшиқ ёзиб олинган. Тадқиқотчиларнинг айтишларича, Ашаҳ Спитама Зардушт «Авесто»ни тўрт хил оҳангда ижро этган. Жумладан, синиқ ва паст товуш билан, ичдан чиқариладиган тўла овоз билан, ўткир ва баланд овоз билан ҳамда бошнинг энг юқори қисмидан келадиган овоз билан бир вақтнинг ўзида тўрт хил оҳанг яратиб ижро этган. Бу ҳофиздан жуда катта истеъдод талаб этади ва ижроси анча мураккаб бўлган ҳодисадир.

Марказий Осиёда шундай истеъдодли ҳофизлар борки, улар бир вақтнинг ўзида иккита овоз билан кўшиқ ижро этишлари мумкин. Жумладан, қориндан келадиган ва миядан келадиган овоз билан. Бу албатта, кўшиқчиликнинг ўзига хос техникаси ҳисобланади. Ўз даврида «Авесто» матнларини ана шу тарзда куйга солиш анъанаси русум бўлган. Айни пайтда Ҳиндистонда ҳозиргача яшаётган зардуштий руҳонийлари ушбу анъанани унутиб қўйишган. Гарчи уларнинг айримлари гоҳларни ижро этишга уринишса-да, бироқ унинг оҳанглари қай тарзда бўлганлигини ҳеч ким билмайди.

Профессор Мехер Мастер-Мусхонимнинг айтишича, «Авесто»ни кўшиқ қилиб куйлашнинг талаб ва меъёрлари бор. Ижро техникаси бунда алоҳида аҳамиятга эга. Ижрочилар руҳан бунга тайёр бўлишлари лозим. Қалбан эътиқодли ва тақво жиҳатидан намуна бўлмоғи лозим. Асфенде шкаласига кўра руҳий даража шу қадар кўтарилмоғи лозимки, маросимни олиб бораётган руҳоний буткул ўзини унутиб, ўз вужуди руҳий дунёсидан

чиқиб, кайҳоний дунёга уланиб кетиши, жамики борлиқнинг яратгувчиси билан бевосита мулоқотда бўлмоғи лозим. Бу ўзлигини, тан, жисм сингари моддий мавжудлигини бутунлай ортида қолдириб, илоҳий туйғулар даражасига кўтарилишдай сирли-синоатли ҳолат. Бунга, албатта, ҳар қандай оддий тақводор у ёқда турсин, камдан-кам руҳонийларгина ёки авлиёларгина эришишлари мумкин¹⁹.

Зардуштийлик дини Низоми бўлган «Авесто»ни хусусан руҳонийлар томонидан куйлашга алоҳида тайёргарлик кўрилган. Овозни созлаш, меъёрига етказиш, қўшиқ айтиш маҳоратини эгаллаш ва ижрочилик қобилиятини шакллантириш, нолаларни, қочиримларни маҳорат билан ўз ўрнида ижро этиш қатъий талаб қилинган. Жумладан, Гохлар Яснанинг бир қисми бўлиб, “Фрашуша Мантра” сифатида ҳаммага маълум. Уни ижро этишнинг махсус усули бўлган Ясна асосида ибодат қилишда, бошқа бобларни паст овоз билан ижро этиш орқали Гохга етиб борилган ва унда оҳанг техникаси, услуби ўзгариб, қўшиқни эркин ва баралла авж пардаларда ижро этишган.

Шеър ва қўшиқ ижро этиш, диний маросимларни бадий ташкил этиш ҳамда сахна ҳаракатлари эрамиздан аввалги иккинчи минг йиллик ўрталарида мавжуд бўлган ва улар яхлит ҳолда миллий санъатнинг илк куртаклари ҳисобланади. Ундан кейинги даврларда ҳар бир йўналиш ўз мақомига, ўз услубига ва ижро техникасига эга бўлган.

Зардуштийлар ўзларининг эзгу тилакларини, ниятларини ана шу тарзда баён этишган. Аллоҳга ҳамду санолар, саловотлар ўқишган. Таваллолар, муножотлар айтишган. “Ахура Мазданинг олти ёрдамчиси ёки тажаллийси – амеша спентрларга сажда қилиниб, яштлар – саловатлар айтилади. Бу олти тажаллийлар – Ахура Мазданинг куч-қудрати тимсоллари. 1. Воҳу-мана – эзгу ният. 2. Аша-вахишта – энг яхши ҳақиқат. 3. Спента армайте – муқаддас ҳалоллик, софдиллик. 4. Хшатра варья – тилакли ҳокимият. 5. Харватат – бутунлик, яхлитлик. 6. Умуратат – узоқ умр, абадий ҳаёт. Бу олти идеал – ахлоқий ва маънавий камолотга элтувчи кучлар, инсонлар учун энг олий қадриятлар сифатида улуғланган”, - дейди таниқли олим М.Маҳмудов²⁰.

Ана шу олти идеал Гохлар ва Яснанинг асосий мазмуни ҳисобланади. Ясна китоби – барча маъбудларга дуо-илтижолар, таваллолардир. Гохлар эса муножот қўшиқлари ҳисобланиб, улар ҳам шу бўлимга киради. Яштлар эса мадҳлар, ҳамду санолар, мақтов ва фахриялардан иборат. Ана шу тарзда улар «Авесто» қўшиқчилигининг яхлит тизимини ташкил этади. Уни ғоятда улкан, салобатли, маҳобатли илоҳий-фалсафий имдод даражасига кўтаради.

“Зардуштийлар”нинг маросимлари ибодатхоналарда жамоа бўлиб, махсус либосларда якка ва жўр овоз ҳолда куйлаш, диалог ва монолог шаклида қироат қилиш, тартибли ҳаракатланиш ва рақсга тушиш воситасида олиб борилган. Бу маросимларда театр томошалари сингари ижро

¹⁹ Қаранг. Одуев С. Тропами Заратустры. М.; “Мысль”. 1976.

²⁰ Болтабоев Ҳ., Маҳмудов М. Бадиий-эстетик тафаккур тарихи. Т.; “Мумтоз сўз”. 2012. 287-бет.

элементлари ҳам доимо амал қилинган,²¹ дейди профессор М. Қодиров. Аллоҳга таваллолар, муножотлар, дуолар ва тилаклар юксак санъат даражасида амалга оширилган. Бу бевосита “Авесто” матнларининг руҳоний мақсадлари ва ўтказилаётган маросим вазифаларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилган.

Таниқли олим С.П.Толстов зардуштийлар ақидалари ва диний маросимларини ўрганар экан, ибодатхоналар, меҳмонхоналар, чойхоналар ва бошқа жамоатчилик жойларида ўтказиладиган маросимларнинг тартибига алоҳида эътибор беради. Бундай жойларда асосан эркаклар тўпланиб, ибодат қилганликлари сабабли уларни С.П.Толстов “эркаклар уйлари” деб атайди ва “Эркаклар уйлари” мусулмонлик давригача Ўрта Осиёда кенг ёйилган ва ижтимоий аҳамиятли, маиший ҳодисалардан бири бўлган. Улар қадимий, завқ шавқли сиғинишларнинг марказлари сифатида жамоа бўлиб овқатланиш ва маросим рақслари билан боғлиқ эди²², дейди.

Одамлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб, ёшлар, қариялар тўпланиб, гап-гаштаклар қилишган. “Авесто” матнларидан кўшиқлар куйлаб, жамоа бўлиб Худога илтижолар қилишган. Замину осмонга, бутун борлиққа, мавжудотга ҳамду санолар айтиб, ўз ҳаётларига шукроналиклар қилишган. Бу эртанги кунга умид, келажакка катта ишонч билан қараш мавриди ҳисобланган. Айрим муаммолари ва ташвишлари ечимини топишда, мақсадлари рўёбини таъминлашда эса илоҳдан мададлар сўрашган. Айни пайтда бу гап-гаштаклар, ўйин-кулгулар, дам олиш, бир зум ғам-ташвишлардан холи бўлиш имконини ҳам берган. Натижада турли ўйинлар, кўнгилочар томошалар уюштиришган. Профессор М. Қодировнинг хулосаларига кўра, “Хоразмда яқин йилларгача ўйнаб келинган “Машъала” ва “Ўт-ўйин”, Бухоро амирлигида расм бўлган “Оташхўр” томошалари бир замонлар Қуёш, Олов ва Митра тимсолларига боғлиқ бўлган... “Лазги” рақсининг бизгача етиб келган шаклларида Қуёшга, Оловга, Митрага сиғинишнинг излари аниқ кўриниб туради²³.

“Авесто”нинг цивилизациявий ҳодиса сифатидаги қадрияти нафақат унинг ижтимоий тафаккур ва ҳаёт фалсафаси билан боғлиқ бўлган бутунлай янгича қарашлар, балки кишилик турмуш тарзи, одамлар кундалик ҳаёти мазмунини ўзгартириш, уни ислоҳ қилиш, унга янгича моҳият бахш этиш билан ҳам белгиланади. “Авесто” матнларини куйлаш санъати, зардуштийлар истаклари, Худога илтижолари, саловотлари ва таваллоларининг турли шаклларда ифода этиш маҳоратининг шаклланиши ўз даврида мавжуд ибтидоий ҳаёт шароитида эстетик диднинг ривожланишига, бадий савиянинг такомиллашишига олиб келди. Бу бугунги кунга қадар халқимиз турмуш тарзи, анъаналари, урф-одатлари тизимида сингиб кетган ва ҳозиргача яшаб келмоқда. Буни назарда тутган М.Қодиров “... ислом

²¹ Қодиров. М. “Авесто” ва томоша санъатлари”. “Авесто” ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни” мавзуидаги халқаро илмий конференция материаллари. Т., “Фан”.2001.44-бет.

²² Толстов. С. Древний Хорезм. М., 1948. стр. – 317.

²³ Қодиров М. “Авесто ва томоша санъатлари”. “Авесто ва унинг инсон тараққиётидаги ўрни” мавзуидаги халқаро илмий конференция материаллари. Т., Фан. 2001, 45-бет.

даврида ҳам зардуштийлик билан боғлиқ кўпгина қадимий томошалар, байрамлар, маросимлар ўз мазмуни ва шаклини бир мунча ўзгартирган ҳолда яшашда давом этган. Бизгача етиб келган анъанавий театр, рақс, цирк томошалари, халқ байрамлари, театрлашган маросимлар ва намоёишлар таркибидаги бутун бир қатлам шундан далолат беради.”²⁴ дейди.

“Авесто” ўз даври одамлари онги ва тафаккурига таъсири, поэтик жозибаси, мусиқий имкониятлари билан халқ оғзаки ижодининг ривожланишига ҳам катта туртки берган. Одамлар эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, муҳаббат ва нафрат ўртасидаги аёвсиз курашларни, ўзларининг севинч ва изтиробларини, орзу ва мақсадларини қандайдир ғоялар, воқеалар тафсилоти билан ифодалашга уринишган. Натижада, яхлит, тизимли равишдаги халқ оғзаки ижоди дунёга келган. Буни назарда тутган ва чуқур ўрганган атоқли олим Тўра Мирзаев ва йирик фолклоршунос Маматқул Жўраевлар қуйидаги хулосага келишган: “Авесто”даги асотирий қарашларнинг муайян бир қисми ўзбек халқ достонлари, эртақ ва афсоналари сюжетига сингиб кетган. Ана шундай сюжет элементларидан бири “Зар кокилли йигит”, “Гулиқаҳқаҳ”, “Тўрўғлининг туғилиши”, “Гулихиромон” каби достонлардаги сеҳрли пат билан алоқадор эпик мотивлар силсиласидир. Магик хусусиятга эга сеҳрли ашулалардан бири сифатида қўлланилган қуш пати детали анъанавий мифопоэтик тимсоллардан бири бўлиб, эпик қаҳрамонга кўмаклашувчи ҳомий кучлар билан боғлиқ мифологик тасаввурлар асосида келиб чиққан. Қуш патининг магик хусусиятига ишончни ўзида мужассамлаштирган бу эпик мотивларнинг архаик илдизи эса, “Авесто”даги Варағе қушининг сеҳрли патлари ҳақидаги асотирий қарашларга бориб тақалади”²⁵.

Кўриниб турибдики, афсоналар, ривоятлар, асотирилар одамлар қалбига жойлашиб, уларнинг тафаккурини маълум даражада йўналтирган. Бу эса, халқ оғзаки ижодининг шаклланишига, ривожланишига, маълум бир халқ, миллат орзу-умидларининг юксак поэтик маҳорат билан ифода этилишига, охир-оқибатда эса миллий, эпик асарларнинг юзага келишига хизмат қилган. Айни пайтда зардуштийлик динига мансуб ақидалар, урф-одатлар, расм-русумлар шаклан ўзгарган бўлса-да, мохиятан азалдан шу маконда яшаб келаётган халқ турмуш тарзида, қарашларида сақланиб келмоқда. Буни Т.Мирзаев ва М.Жўраевлар қуйидагича талқин этишади: “Ёмғир чақириш мақсадида ўтказиб келинган Сушт хотин маросими, Амударё сувининг мўл бўлиши ҳамда тошқин ҳалокатининг олдини олиш мақсадида Оролча авлиё деган жойда шу ном билан аталувчи афсонавий ҳомий шарафига ҳўкиз сўйиб, қурбонлик қилиш одати, Наврўз байрамини ўтказиш, сумалак пишириш, баҳор фаслида анъанавий бойчечак сайли, лола сайли, қизил гул сайли қабиларга чиқиш, сафар қочди ва охир чоршанба маросимларини ўтказиб, оловдан хатлаш, шамол пири сифатида эътироф этилган Хайдар ва Аждар бобога мурожаат этиб, шамол чақириш, сумалак сайлида Ашшадарози

²⁴ Ўша манба, 46-бет.

²⁵ Мирзаев Т, Жўраев М. “Авесто” ва халқ оғзаки ижоди”. “Авесто” ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни” мавзuidaги халқаро илмий конференция материаллари. Т.; 2001.

ўйинини ташкил этиш, келин-куёвни олов атрофидан айлантириш, марҳумлар мазорига “Қушлар ҳаққи” деб бугдой сепиб қўйиш, дарёдан ўтаётганда Хуббига сиғиниш ва сувга туз ташлаш, далага биринчи қўш чиқаришдан аввал ҳўкизларнинг шохини мойлаш каби анъанавий маросим ва удумларимизнинг тарихий-ҳаётий асослари “Авесто” мифологиясига боғланади.”²⁶

Илоҳий китобларнинг тасаввур қилиб бўлмайдиган сеҳрли, сирли-синаотли ва мўъжизавий томони шундаки, унинг на сўзига, на оҳангига тузатиш киритиб бўлади. Улар табиий ва қуйма, мутлақо таҳрир талаб этмайди. Шунинг учун бундай муқаддас китоблар ўз оҳанги, қўшиқчиликка мос келадиган табиий имкониятлари билан Илоҳ томонидан яратилади. Уларга қайсидир бир бастакор алоҳида мусиқа ёзиб, ҳофиз уни қўшиқ қилиб ижро этмайди. Шундай қилган тақдирда ҳам унинг сохталиги кўзга яққол ташланарди. Бундай китоблар ўз оҳанги, ўз таровати, ўз ижро йўли билан дунёга келади, холос.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳозирги замон компьютерларининг энг сўнгги авлоди ҳар бирининг процессорида 80-100 миллион транзистор бўлиб, ҳар сонияда 2 миллиардгача вазифани бажара олади. Бу инсон аклининг тезлигидан бир неча минг баравар юқори туради ва худди шу жиҳати билан ҳайратомуз ҳодисадир. Маълумотларга кўра, замонавий компьютер технологиясининг йирик намояндалари, тилшунослар, руҳшунослар, файласуфлар ва мантиқшунослар бирлашиб, араб тили луғатидаги барча сўзлардан иборат электрон дастур орқали энг оҳангдор, энг мусиқий, энг жарангли матн яратишга ҳаракат қилишган. Компьютер ёрдамида Қуръони Каримнинг мусиқий мўъжизасига тенг келадиган матн тузмоқчи бўлишган. Улар қанчалик уринишмасин, компьютер имкониятларининг инсон ақлий салоҳиятидан бениҳоя катталигидан қатъий назар, яратган матнлари ўзининг оҳангдорлиги, жозибаси ва мусиқийлиги билан Қуръони Каримга яқин ҳам келмаган. Бунинг ўзига хос мантиқий асоси ва рад этиб бўлмас ҳақиқати бор. Яъни, компьютерни бандаси яратган, Қуръонни эса – Аллоҳ!

“Авесто” шу даражада жарангдор ва табиий оҳангдорликка эгаки, у равон ўқилади. Қироатлар юксак пафос билан тингловчи ҳиссиёти ва туйғуларига кучли таъсир этадиган, руҳиятини жунбушга келтирадиган мўъжизавий қудратга эга. Буни қуйидаги мансур - Яшт мисолида кўриш мумкин. Форс тилида:

قَرَوَشِي هَايَ أَشْتَوَنَ مَرْدَانِ سِرْزَمِيْنَهَايَ ايرَانِي رَا مِي سَتَايِيْم.
 قَرَوَشِي هَايَ أَشْتَوَنَ زَنَانِ سِرْزَمِيْنَهَايَ ايرَانِي رَا مِي سَتَايِيْم.
 قَرَوَشِي هَايَ أَشْتَوَنَ مَرْدَانِ سِرْزَمِيْنَهَايَ تَوْرَانِي رَا مِي سَتَايِيْم.
 قَرَوَشِي هَايَ أَشْتَوَنَ زَنَانِ سِرْزَمِيْنَهَايَ تَوْرَانِي رَا مِي سَتَايِيْم.
 قَرَوَشِي هَايَ أَشْتَوَنَ مَرْدَانِ سِرْزَمِيْنَهَايَ سِيْرِيْمَ رَا مِي سَتَايِيْم.
 قَرَوَشِي هَايَ أَشْتَوَنَ زَنَانِ سِرْزَمِيْنَهَايَ سِيْرِيْمَ رَا مِي سَتَايِيْم.²⁷

²⁶ Ўша манба, 49-бет.

²⁷ اوستا، جلد اول، گزارش و پژوهش دکتر جلیل دوستخواه، چاپ چهارم، 1377، صفحه 427.

Фравашийҳое ашаван мардоне сарзаминҳое ийронийро мисетойиим.
 Фравашийҳое ашаван заноне сарзаминҳое ийронийро мисетойиим.
 Фравашийҳое ашаван мардоне сарзаминҳое туронийро мисетойиим.
 Фравашийҳое ашаван заноне сарзаминҳое туронийро мисетойиим.
 Фравашийҳое ашаван мардоне сарзаминҳое сайрямаро мисетойиим.
 Фравашийҳое ашаван заноне сарзаминҳое сайрямаро мисетойиим.

Ўзбек тилида:

Бутун Ийрон сарзаминлари ашаванлари эрларининг фравашийларини
 олқишлаймиз,

Ийрон²⁸ сарзаминлари ашаван аёлларининг фравашийларини олқишлаймиз.

Турон сарзаминлари ашаван эрларининг фравашийларини олқишлаймиз.

Турон сарзаминлари ашаван аёлларининг фравашийларини олқишлаймиз.

Сайряма²⁹ сарзаминлари ашаван эрларининг фравашийларини олқишлаймиз.

Сайряма сарзаминлари ашаван аёлларининг фравашийларини
 олқишлаймиз³⁰.

Ушбу матндан кўриниб турибдики, бир хил сўзлар бир неча марта такрорланмоқда, жумладан олти қаторли матнда олтита фраваший, олтита ашаван, олтита олқишлаймиз, учта аёлларнинг, учта эрларининг, олтита сарзаминлари, иккитадан Ийрон, Турон, Сайряма сўзлари такрорланмоқда. Бироқ бу ўқувчини ҳам, тингловчини ҳам зериктирмайди, аксинча, том маънодаги табиий жарангдорликни, мусиқийликни таъминлайди.

«Авесто» дунёга келган маконга, муқаддас заминга санолар, дуолар фавқулотда жозибали ва сеҳрли. Бу сарзамин одамларига – эркагу аёлларига эзгу тилаклар, эзгу амаллар билдирилмоқда, уларга олқишлар айтилмоқда.

Яна бир мисолга мурожаат этамиз. Форс тилида:

زَوْتُ و راسپی:

"زور" خواستارم ستایش را. "برسم" خواستارم ستایش را.

برس خواستارم ستایش را. زور خواستارم ستایش را.

زور و برسم خواستارم ستایش را.

برسم و زور خواستارم ستایش را.

با این زور و این برسم خواستارم ستایشم.

با آن برسم و این زور خواستارم ستایشم.

با زور و این برسم خواستارم ستایشم.

[زَوْتُ]

با این برسم و زور و گشتی (برسم) به این آتش گسترده، خواستارم ستایشم.³¹

²⁸ Ийрон – Эрон.

²⁹ Сайряма – сосонийлар ва Ислон даври адабиётларида кичик Осиё ва Сурия.

³⁰ «Авесто». «Шарқ» нашриёти-матбаа акционерлик компанияси. Т.: 2001. 262-бет.

³¹ اوستا، جلد اول، گزارش و پژوهش دکتر جلیل دوستخواه، چاپ چهارم، 1377، صفحه 102.

Завт ва Роспий:

“Завр” хосторам сетойешро. “Барсам” хосторам сетойешро.

Барсам хосторам сетойешро. Завр хосторам сетойешро.

Завр ва барсам хосторам сетойешро.

Барсам ва завр хосторам сетойешро.

Бо ин завр ва ин барсам хосторе сетойешам.

Бо он барсам ва ин завр хосторе сетойешам.

Бо завр ва ин барсам хосторе сетойешам.

Завт:

Бо ин барсам ва завр ва кўшти (барсами) бе ойин Ашаҳ гостарде,
хосторе сетойешам.

Ўзбек тилида:

Завт ва Роспий:

Завр истарман олқишлаш учун. Барсам истарман олқишлаш учун.

Барсам истарман олқишлаш учун. Завр истарман олқишлаш учун.

Завр ва барсам истарман олқишлаш учун. Барсам ва завр истарман
олқишлаш учун.

Бу завр ва бу барсам билан олқишлашни истарман. Бу барсам ва завр
билан олқишлашни истарман.

Бу завр ва бу барсам билан олқишлашни истарман.

Завт:

Бу барсам завр ва бу барсам белбоғи билан Ашаҳ-Ҳақиқат русумига
ҳозирланиб, олқишламоқ истайман³².

Шеърӣ сатрлардаги такрорларда сўз баъзи ҳолларда ўрнини алмашмоқда, бу билан қайси сўз олдин келса, урғу ўшанга берилмоқда. Бутун диққат ва эътибор, санолар ва даъватлар айнаи ўша сўз орқали ифода этилмоқда. Яхлит олганда, матнда жарангдорлик ва мусиқий жило олий мақомда таъминланган.

Форсча матн жами 67 та сўздан иборат: *завр* ва *барсам* сўзлари 8 мартадан, *ситоеи* ва *хостор* сўзлари 10 мартадан такрорланмоқда. Юқорида айтганимиздек, сўзларнинг такрорланиши ўқувчининг меъдасига тегмайди, аксинча, унинг қалбига ғулғула солади, туйғуларини туғёнга келтиради, руҳиятини илоҳий руҳият билан боғлаб юборади.

Завр сўзи форсийда ичимлик маъносини билдиради ва суюқликлар билан ўтказишадиган назр-ниёз, зиёфатлар маросимини англатади. Айнаи пайтда завр маздапарастлар дини илоҳаси бўлиб, ундан мадад ва имдод истаганлар, барсам сўзи эса унмоқ, ўсмоқ, яшнамоқ маъноларини ифода этади, дарахтнинг янги кесилган новдасининг сони ҳар хил маросимда ҳар хил бўлади. 3 та, 7 та, 9 тадан ва ҳ.к.

³² “Авесто”. “Шарқ” нашриёти-матбаа акционрелик компанияси. Т.; 2001. 37-бет.

Вандедот ва виспарат маросимларида 35та, яснада 23та хипчин бўлиб, Яратгувчини эъзозлаш ва ардоқлаш учун дуолар, ҳамду санолар, таваллолар, муножотлар қилинади. Ҳар бир қисм, ҳар бир бўлак ўз оҳангига, ўз мусикий имкониятига, вазни ва бўғинлардан келиб чиқадиган жарангдорлик хусусиятига эга. Қироат пайтида улар бир-бирига уланиб, улкан ва маҳобатли, бир неча соат ижро этиладиган, давомдор қўшиққа айланади.

Умуман олганда, “Авесто” қисмларга қараб бир хил такрорланиб келадиган сўзлар ва гаплар тизимидан иборат. Юзаки қараганда кўп сўзлиликка, ортиқча такрорга ўхшайди. Бироқ бунда ҳар бир сўз алоҳида урғу, алоҳида ундов ва таъкид билан айтилаётгани яққол сезилади. Уни қалбдан ҳис этиб, катта эътиқод билан ўқиса бекиёс улугворлик, тенгсиз тантанаворлик жисму жонингизни, бутун руҳиятингизни чулғаб олади. “Авесто” бошдан-охиригача ана шундай услубда яратилган. Насрий қисмлар, албатта, шеърӣ қисмлардан оҳангдорлиги билан фарқ қилади. Уларни, ҳатто, насрий матн эмас, мансуралар деса мақсадга мувофиқ бўлади.

Насрий қисмларда – мансураларда ҳар бир гап янги сатрдан — хат бошидан бошланади. Баъзи ҳоллардагина хат боши иккита гапдан иборат бўлади, холос. Бунда, айтиш мумкинки, ҳар бир гап алоҳида, мустақил фикр ва ғояга эга. Гарчи сўзлар такрор бўлса-да, улар қироатда биринчи навбатда оҳангдорликни, мусикийликни таъминласа, иккинчи томондан тингловчи қалби ва онгини нишонга олиб, фикрлар қўшиқ садолари билан уйғунлашиб, руҳий ва ҳиссий оламига таъкид, даъват, ундов тарзида кучли таъсир ўтказилади.

“Авесто”нинг мансуралар қисмидаги жўшқин фикрий ифода, юксак даражадаги пафос ва чуқур мазмуннинг уйғунлашиб кетган шаклини назарда тутиб, уни насрдаги назмлар ёки яхлит олганда улкан насрий дoston ҳам дейиш мумкин. Зотан, ҳар бир гапда хайратланарли даражада шеърӣ нафас, равон ва қуйма оҳанг аниқ сезилиб туради. Уларда ҳароратли, илик, ёқимли, айни пайтда, “юк”ли, мағизли ва табиий равишда чексизлик, коинот билан уланиб кетган, киши қалбини жумбушга келтирадиган илоҳий руҳият устуворлик қилади. Ўқиб туриб, сеҳрли оламига кириб борганингиз сари буни қалбан чуқур ҳис этаверасиз.

Хулоса қилиб айтганда, “Авесто”нинг ҳар бир қисми ўз мақсади, вазифаси ва ғоясидан келиб чиқиб ўз мусикий имкониятига, жарангдорлигига ва ижро услубига эга. Бироқ, улар бир-бирини тўлдирадиган, узвий ва ягона ғояга асосланганлиги жиҳатидан яхлит композицияни ташкил этади ва улкан, маҳобатли қўшиқлар системасидан иборат бўлган бетакрор, жозибали санъат асари мақомига эга бўлади.

ЖАҲОНГАШТА «АВЕСТО»

Дунёнинг энг қадимий маданий ёзма ёдгорликларидан бири «Авесто» ўзининг бутун моҳияти билан инсоният маданияти, тафаккури ва жаҳон фани таракқиётида муҳим ўрин тутди. Ушбу тарихий-маданий, асотирий-динӣ

ёдгорлик юксак бадий мўъжизаси, ўзига хос тафаккур тарзи билан асрлар мобайнида инсониятни лол қолдириб келмоқда. У кишилик жамияти шаклланишининг илк босқичларида фалсафий тафаккурнинг бутунлай янги босқичини бошлаб берди. Афсоналар, ривоятлар ва асотирлар таъсиридаги турмуш тарзини бузиб, табиий тараққиёт, реал ҳаёт тамойилини илгари сурди. Бу ўзига хос цивилизациявий ҳодиса вақт ўтгани сари жаҳон файласуфлари, демографлари, антропологлари, этнографлари, тарих ва адабиёт намояндалари диққатини ўзига тортди. Хусусан, Ғарб донишмандларининг қизиқишлари турлича, баъзан бир-бирига зид бўлса-да, улар таълимотларида ҳайрат туйғуси кўзга яққолроқ ташланмоқда. Ҳали-ҳамон турли халқлар, миллатлар, фан ва маданият арбобларининг ушбу қомусий китобга қизиқишлари тобора ортмоқда.

Дарҳақиқат, «Авесто» Ўрта Осиё, Эрон ва Ҳиндистон халқлари цивилизациясининг муҳим манбаи, энг қадимий ва машҳур маданий ёдгорликларидан бири сифатида жаҳон фанида аллақачон доимий тадқиқот объектига айланган. Унинг бадий, фалсафий, ахлоқий, ҳуқуқий, мантикий ва ижтимоий соҳа тараққиётига қўшган ҳиссаси жаҳон халқлари томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Авестошунослик Зардуштийлик дини пайдо бўлган илк даврлардаёқ бошланган. Маълумки, у ўша давр одамлари қарашлари ва эътиқодлари учун бутунлай янги ҳодиса эди. Ҳар қандай замонда янги ғоя ва ақидаларни қабул қилиш осон бўлмаган. Жумладан, Зардушт қарашларини ҳам ўз вақтида тушуниш, англаш, унинг ғояларини ўзлаштириш ва атрофида жипслашиш қийин бўлган. «Авесто»нинг алоҳида қисмлари, мазмуни ўз вақтида шарҳланиб тарғиб этилган. Айрим мураккаб сўзлар ва янги атамалар мазмунини очадиган изоҳли луғатлар тайёрланган. Тушуниш қийин бўлган матнларга тавсирлар ёзилган. Ана шу тарзда у дунё бўйлаб тарқала бошлаган.

XVIII асрнинг бошларида англиялик Жорж Бугер Ҳиндистонга боради. Тақдир тақозоси билан зардуштийлик динига эътиқод қўйганлар даврасига тушади. Ушбу дин ҳақида айрим маълумотларга эга бўлгач, унинг муқаддас китоби «Авесто»га қизиқиши ортади ва унинг айрим қисмларини олишга муяссар бўлади. Энг қадимий маданий ёдгорлик сифатида 1723 йили ўз юртига – Англияга олиб келади. Бу пайтда табиийки, уни ўқийдиган, талқин қиладиган ва тушунадиган мутахассис йўқ эди. Шунинг учун «Авесто»нинг ушбу нусхасини кутубхонага топширади ва у кўргазма учун қўйилади.

1754 йили Париждаги шарқ халқлари мактабининг 20 ёшли ўқувчиси франциялик Анкетиль Дюперрон (1731-1805) кутубхонада бўлганида, ушбу нодир асарни кўради ва унга қизиқиб қолади. Англияда, Оксфорд университетида сақланаётган “Вендидот”нинг нусхаси билан танишиш имкониятига эга бўлади.

Машриқ халқлари маданияти, тарихи ва қадриятларини чуқур ўрганишга киришган ёш шарқшунос А.Дюперрон 1755 йили Ҳиндистонга боради. У Зардуштийлар билан бир неча йил яшайди. Уларнинг қарашлари, диний-эътиқодий ақидалари ва турмуш тарзларини ўрганади. У ерда

Зардуштийлик динига мансуб Дарап Кумар билан танишиб, унинг ёрдамида эски пахлавий тили ва ёзувини ўзлаштиради. Хусусан, «Авесто»ни ўқиш, тушуниш имкониятига эга бўлади. Шарқ маданий меросига тегишли қатор тарихий, фалсафий адабиётлар билан танишади, уларни ўзлаштиради. 1761 йили Парижга қайтиб «Авесто» билан жиддий шуғулланади. Унинг бутун фалсафий ва ғоявий қарашларини ўзлаштиришга ҳаракат қилади. Ўн йиллик изланишдан сўнг, 1771 йили «Авесто»ни француз тилига таржима қилади. Бу жаҳон маданиятида ўзига хос ғавқулодда ҳодиса эди. Негаки, Шарқ тафаккурининг илк қомусий асари Ғарбга ёйила бошлаганди.

Зардуштийларнинг мазкур диний китоби ғарбда жиддий мунозараларга, Дюперроннинг ўзи эса турли қарама-қарши фикрларнинг нишонига айланди. Бироқ, ҳар қандай шароитда ҳам ушбу нодир ёдгорлик ўз қиймати, маҳобатли тафаккур тарзи ва фалсафаси билан жамоатчилик диққатини тортди. Рига университети профессори Кленкер «Авесто» моҳиятини очишга, у ҳақиқий умуминсоний қадрият сифатидаги ноёб дурдона эканлигини исботлашга ҳаракат қилди ва бунга эришди. Олим уни ва Дюперроннинг Зардуштийлик фалсафасига доир тадқиқотларини немис тилига таржима қилди. Шу билан Кленкер авестошуносликка бутунлай киришиб кетди, қатор илмий тадқиқотларни амалга оширди, китоблар нашр эттирди. Кленкер тадқиқотларида «Авесто»нинг мутлақ бетакрорлигини, Ўрта Осиё, Эрон ва Ҳиндистон халқларининг ноёб дурдонаси эканлигини илмий жиҳатдан исботлаб берди.

И.Мейнерснинг “Зардуштнинг ҳаёт йўли, низоми, даъватлари ҳамда асарлари” китоби кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. 1778-1784 йилларда ёзилган ушбу китоб зардуштийлик фалсафаси моҳиятини тушунишда муҳим қўлланма бўлди. 1820-1827 йилларда И.Г.Ротнинг “Зент халқлари”, Н.Росконинг “Зент Авесто” сингари китоблари юзага келдики, уларда қадимги Бактрия, Мидия ва форслар тарихи, дини, жумладан, «Авесто» чуқур тадқиқ этилди.

Йирик тадқиқотчи С.Ф. Ольденбург Зардушт фалсафасини ўрганишда жиддий илмий хулосаларни илгари сурди. Унинг моҳиятини диний-фалсафий қарашларини фундаментал ўрганиш борасида катта тадқиқот ишларини олиб борди. Натижада, “Зардуштийлик инсониятнинг ер юзидаги ҳаётини енгиллаштиришга, уни бахтиёр қилишга қаратилган энг оқилона дин” деган хулосага келди³³.

Европада «Авесто» таҳлили ва тадқиқига бағишлаган асарлар, олиб борилган жиддий тадқиқот ишлари орасида француз Брисситиннинг 1790 йилда ёзилган “Эронда шох ҳукмронлиги ҳақида” номли асари алоҳида аҳамиятга эга. У қадимий Турон, Эрон, Озарбайжон халқлари урф-одатлари, анъаналари, турмуш тарзи ва диний ақидалари ҳақида кўплаб маълумот берадиган жиддий тадқиқот ишларидан бири ҳисобланади. Ушбу китоб XVII асрда француз, инглиз ва итальян тадқиқотчилари томонидан ўрганилиб, янада бойитилган.

³³ Ольденбург. С.Ф. Предисловие и книге Арнольда “Свет Азии”. СПб.1906. стр 20.

Ўз даврининг йирик тарихчиси, этнографи ва файласуфи, Оксфорд университети профессори Томас Гаид «Авесто» дунёга келган макон, зардуштийлик дини ва унинг моҳиятини чуқур ўрганиб, 1770 йилда “Қадимги эронликлар: парфиян ва мидияликлар динининг тарихи” асарини нашр эттирди. Бу тадқиқот иши авестошуносликка ўзига хос ёндашув сифатида катта илмий, назарий ва тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Европада авестошунослик оммалашди. Йирик ва нуфузли олимлар бевосита у билан шуғуллана бошладилар. Бу, биринчидан, Шарқ фалсафасининг умумдунёвий моҳиятга эғалигида ва умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этганида. Иккинчидан, Шарқни ўрганиш, унинг дунёқараши, феъл-атвори, турмуш тарзи ва ақидаларини ўзлаштириш орқали истикболдаги манфаатлар тўқнашувига мустаҳкам замин тайёрлашдан иборат эди.

Ғарб олимларининг ўзида ҳам қарашлар бир хил эмас эди. Қайси бири Шарққа ҳайрат, ҳурмат ва эҳтиром билан қараса, бошқаси уни очикдан-очик инкор этар, тан олмас эди. Чунончи, унинг инсоният тарихий тараққиётидаги ўрнини камситишди, унга шубҳа билан қарашди. Хусусан, Англиялик олим Уильямс Жонс «Авесто» ривоятларини тан олмайди. Унинг ғояларини сохталикда, афсоналарни асоссизликда, Дюперрон таржимасини эса асл нусха билан тўғри келмасликда айблайди. Шарқ тафаккур оламига, зардуштнинг илоҳий қудратига шубҳа билан қарайди. У. Жонсни Англияда қўллаб-қувватлайдиганлар аста-секин кўпаяди. Унга ватандоши Ричардсон, Германияда Мейнерс каби олимлар ҳам қўшилишди.

Майнерс ўзининг 1778-1779 йилларда ёзган “Ҳаёт ва Зардуштнинг ишлари ҳақида” деб номланган китобида греклар «Авесто»нинг айрим қаҳрамонларини билмасликларини пеш қилиб, “«Авесто» ғоялари ҳақиқатга яқин келмайди”, деган фикрни илгари суради. Бироқ, у барибир «Авесто»нинг ва зардуштийлик динини бебаҳо қадрият эканлигини тан олди. Ричардсон «Авесто»нинг лисоний тузилиши, тили ва имловий қурилишини жиддий ўрганади. Ундаги араб тилига тегишли ёки ўхшаш сўзларига шубҳа билан қарайди. Уни ўйдирма, Зардуштийлик динининг муқаддас китоби – Низоми деб эмас, балки тўқилган асар деб баҳолади.

1793 йили Сильвестра Де-Саси «Авесто» ҳақидаги қарашларини нашр эттирди ва у сосонийлар даврида тартибга солинган паҳлавий ёзувидаги нусхасини биринчи марта асл манбадан ўрганиб, шарҳ ёзди. Бунда А.Дюперроннинг нусхасига таянди ва ундан ўрганди. Ана шу тарзда Дюперрон таржимаси янги илмий кашфиётларга асос бўлди. Европадаги илк мукамал таржима сифатида тан олинди.

Ғарб авестошунослигида алоҳида мавқега эга бўлган йирик шарқшунос олим А.О.Маковельскийнинг илмий хизматини алоҳида таъкидлаш жоиз. У Европада «Авесто» ҳақида энг асосли ғояларини илгари сурган. Зардуштийлик моҳиятини илмий ва назарий жиҳатдан чуқур таҳлил этган ва унга холис баҳо берган йирик мутахассислардан бири. А.Маковельскийнинг илмий кузатишлари ўз даврида ҳам, ҳозир ҳам «Авесто» атрофидаги турли мунозара ва баҳсларга аниқлик киритади.

С. Бортолеме санскрит ва зент тилларининг ўхшаш жиҳатларини, унинг қадимий Мидияда, Эронда мавжудлигини, минтақа халқлари ушбу тилда сўзлашганликларини илмий асослаб берди. Италиялик Жамбаттист Вико “Янги фанни асослаш” номли асарини ёзиб, зардушт ғояларини фалсафий таҳлил қилди. У зардушт фалсафаси ҳақида гапириб, “қадимнинг буюк тафаккури” деган хулосага келади. Немис фалсафасининг йирик намояндаси, улуғ аллома Гегель зардуштийлик фалсафасига алоҳида қизиқиш билан қарайди ва уни чуқур ўрганган олим қадимги Зардуштни Эрон динининг асосчиси деган хулосага келади. Буюк олим «Авесто» тили қадимги Бақтрия, яъни зент тили эканлигини илмий асослаб берди.

Гегель зардуштийлик дини ҳақида фикр юритар экан, уни табиат, борлиқ ҳақидаги дин, бироқ у инсоният тақдирини ўзида мужассам этган ғоя сифатида баҳолайди. “Бу дин ёруғлик ва меҳр-оқибат динидир. У ёвузлик ва қоронғуликка қарши туради. Ёруғликнинг ёвузлик билан кураши, ҳаётнинг ўлим билан курашидир. Зороастрининг дини дунёнинг ривожланиши ва ҳаётнинг барҳаёт бўлиши, экин экишни, уй ҳайвонларини боқишни ва ерга қарашни талаб қилади”³⁴ дейди. Бу «Авесто» фалсафаси билан кишилик ҳаёти, инсон билан табиат, олам билан одам ўртасидаги уйғунликни фалсафий идрок этиш ва тадқиқ қилишнинг ўзига хос кўринишидир. Бу билан зардуштийлик яратувчилик, бунёдкорлик, меҳнат қилиш каби инсоний туйғулар тарбиячиси ва тарғиботчиси эканлигини таъкидлайди.

Гегель хулосаларига кўра, Худо – яратувчи, олам сарвари. Унда оламни ривожлантиришга даъват этувчи куч, ҳаракат, меҳр-шафқат, рағбат ва адолат бор. Ўзининг ушбу фикрларини зардуштийлик қарашлари билан асослайди. Бу билан Гегель «Авесто» ва зардуштийлик дини инсоният илк ривожланиш босқичининг асосчиси, унинг залворли тараққиётига кучли туртки берган цивилизациявий ҳодиса эканлигини исботлаб беради. Бу эса инсоният тарихида ўзига хос оламшумул воқеа эди.

1879-1904 йилларда Макс Мюллер 49 томдан иборат “Шарқнинг муқаддас китоблари” номли улкан тадқиқотлар мажмуасини нашр эттиради. Унга Шарқ халқларининг муқаддас китоблари, уларнинг инглиз тилига таржимаси, таржималарга шарҳлар ва китобларга сўз бошилар ёзади. Ушбу маҳобатли нашрнинг 1, 4, 22, 31 –жилдларига «Авесто»нинг дунёга келиши, у яратилган даврдаги тарихий, ижтимоий шароит ва зардуштийлик фалсафасининг генезиси ҳақидаги муҳим маълумотлар кирган.

Авестошуносликда Христиан Бартолеме (1855-1925) алоҳида мавқега эга. У Зардуштийлик қарашларини танқидий ўрганди. Натижада 1904 йилда “Қадимий Эрон луғати”ни яратди ва нашр эттирди. Ушбу асар жамоатчилик томонидан хайрихоҳлик билан кутиб олинди. Авестошуносликда мазкур луғат асосий манба мақомига эга бўлди. Бартолеме ўз тадқиқот ва изланишларини давом эттириб, «Авесто»даги гоҳларни қайтадан таржима

³⁴ Қаранг. Бойназаров.Ф.А. “Қадимги дунё тарихи”. Т.; А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 2004.196-бет

килди. Фриц Вольф эса Бартолеме луғатига таяниб, «Авесто»нинг тўла янги таржимасини амалга оширди.

1891 йили мумтоз адабиётшунослик мутахассиси Карль Шенкел ташаббуси билан Грант университетида Шарқ филологияси кафедраси ташкил этилди. Уни доктор Йоханнес Крсте бошқарди. Олим асосан қадимий форс ёзувини ўрганиш ва тарихий полеографиясини тадқиқ этиш билан шуғулланди. Натижада «Авесто»ни асосий манбалардан тўғридан-тўғри ўрганиш имкониятига эга бўлди.

Авестошуносликда, Зардуштийлик фалсафасини ўрганиш борасида швейцариялик олимлар анча фаоллик кўрсатишди. Ислом фанлари институти ҳамда Берн университети бу соҳада йирик илмий марказга айланди. Марказий Осиё, Эрон адабиётини ўрганишга, ушбу ҳудуд халқлари маданий-бадий меросини тадқиқ этишга доир бир қатор тадқиқот марказлари иш бошлади. Фриц Мея, Михаил Глюнц, Рудольф Гельпке, Херманн Ландольдт, Йоханн Христоф Бюргел ва бошқалар жиддий илмий тадқиқот ишларини олиб бордилар. Ушбу марказларда «Авесто» ва унга яқин бўлган Шарқ қўлёзмаларини тўплаш, турли давр ва халқларга тегишли манбаларни йиғиш бўйича катта ҳажмдаги ишларни амалга оширишди. Берлин Шарқ қўлёзмалари тўплами бу соҳада жиддий шуғулланди. Парфиян, сўғд, бактрия ёзувидаги нодир манбалар бу ердан жой олди. Берлин фанлар академиясида сакларга тегишли қатор қўлёзмалар, маданий ёдгорликлар тўпланди. Айтиш мумкинки, ушбу қадимий қўлёзмалар сони ва аҳамияти жиҳатидан Париж, Лондон ва Санкт-Петербургдагилардан анча юқори туради.

XX асрнинг 70 йилларида собиқ ГДР Фанлар академияси – ҳозирги Бранденбург Фанлар академияси захирасида Ўрта Осиё ва Эрон халқлари қадимий маданий ёдгорликларини ўрганишга доир тадқиқотчилар гуруҳи ташкил этилди. Айни пайтда, бу ерда ва Берлин этнография музейида сўғд, эфталитлар ва туркий халқларга мансуб бўлган 4700 га яқин қўлёзмалар тўпланган.

1919 йили немис Фанлар Академияси давлат кутубхонасида Шарқ бўлими иш бошлади. Унда Машриқни англаш ва ўрганишга ихтисослашиш асосий вазифа қилиб қўйилди. Шарқ тарихи, ижтимоий тизими, бу ердаги халқлар ҳаётининг генезиси, эволюцияси, хўжалик юритиш тамойиллари, дин, санъат ва адабиётини тадқиқ этишга жиддий эътибор берилди. Айни пайтда бу ерда 16 мингта нодир қўлёзмалар, шундан 15 мингтаси эса фақат Шарқ тилларига мансуб манбалар тўпланган. Ушбу кутубхона Мюнхен, Вена, Париж, Рим ва Лондон кутубхоналарини ортда қолдириб, Европада биринчи ўринни эгаллайди. Шуни таъкидлаш керакки, немис олими Йозеф Маркварднинг тадқиқотлари алоҳида аҳамиятга эга. Қомусий билимга эга бўлган олим авестошуносликда ўзига хос кашфиётларни амалга оширди. Теология бўйича профессор Ганс Шедер асотирий образлар, эзгулик ва ёвузликни Зардуштийлик ғоялари орқали таҳлил этиш ва унинг моҳиятини очишда кенг миқёсли ишларни амалга оширди.

Ана шу тарзда ғарбда авестошунослик мактаби аста-секин шакллана бошлади. Унга қизиқувчилар сони ортиб борди. Кимдир унинг тарихий

жиҳатларини, келиб чиқиш сабабларини, тарихий-хронологик томонларини ўрганса, бошқаси лисоний қонуниятларини, ифода усулларини тадқиқ этишга киришди. Асосий кўпчилик тадқиқотчилар эса унинг маънавий, маърифий, маданий, ахлоқий ва фалсафий-ғоявий жиҳатларини ўрганишга ҳаракат қилишди. «Авесто»ни нафақат асотирий-диний, балки чуқур фалсафий тафаккур ва ғоят инсонпарвар ғояга асосланган таълимот мажмуаси сифатида тан олишди ва унинг мўжизавий қудратидан хайратда қолишди.

XIX асрга келиб рус олимлари ҳам «Авесто»ни ўрганишга киришишади. Шарқшунос А.Коссович бу борада чуқур изланишлар олиб бориб, 1860 йилда “Зент Авестодан тўрт мақола” номли китоб ёзади ва нашр эттиради. Аср охирида В.В.Бартольд, К.Г.Залеман, А.А.Пагодин, К.А.Иностарцев ва бошқалар зардуштийлик динининг пайдо бўлиши, унинг ватани ҳамда Зардушт ҳақидаги жиддий тадқиқот ишларини амалга оширадилар. XX асрга келиб Россияда Шарқ тарихи, дини, маданиятини ўрганишга катта эътибор берилди. Натижада бир қатор йирик олимлар етишиб чикди. Жумладан, Е.Э.Бертельс, И.М.Дияконоль, А.А.Фреман, Б.Ғ.Ғафуров ва бошқалар авестошуносликка муҳим ҳисса қўшдилар.

Ўзбекистонда авестошунослик узок тарихга эга. Беруний, Форобий, Ибн Сино ва бошқалар номи билан боғлиқ бўлган биринчи Ренессанс даври бу соҳада ўзига хос мавқега эга. Хусусан, Берунийнинг “Осур ул боқия” асари қадимги халқларнинг келиб чиқиши, Шарқ ва яқин Шарқда маданий ҳаёт тараққиёти асослари, «Авесто» фалсафаси, Зардуштийлик динининг пайдо бўлишига доир қомусий тадқиқотлари ўзининг бетакрорлиги ва кенг миқёслилиги билан қимматлидир. Асрлар мобайнида қадимий Туронда Зардуштийлик фалсафаси ўрганиб келинди. Айтиш мумкинки, мустамлакачилик даврида, хусусан, XIX асрнинг иккинчи ярми, XX аср бошларида авестошунослик бир мунча унутилди. Аниқроғи, бундай улкан қадимий маданий ёдгорликни ва умуман бой тарихий-маданий қадриятларимизни ўрганишга атайлаб эътибор берилмади. Ўзбекистонда авестошунослик нисбатан кечроқ бошланди. Ўтган асрнинг ўрталарига келиб профессор Н.М.Маллаев «Авесто»га доир дастлабки тадқиқот ишларини олиб борди. Унинг 1958 йилда нашр этилган “X–XII асрлар адабиёти” номли рисоласида Шарқ халқларининг қадимги ёзма ёдгорликлари ҳақида дастлабки фикрларини билдирди. Ушбу рисола асосан адабиёт тарихига доир тадқиқот иши бўлганлиги сабабли муаллиф «Авесто»га ёзма адабиёт намунаси сифатида ёндошади. Унинг асл моҳиятига чуқур кирмайди. Балки бунга ҳукмрон сиёсат ва давр талаби монелик қилгандир.

Асрнинг иккинчи ярмига келиб, бир қатор кучли шарқшунос олимлар етишиб чиқишди. Жумладан, А.Ирисов, М.Исҳоқов, А.Қаюмов, Э.Ртвладзе, А.Сагдуллаев, С.Ҳасанов, М.Қодиров, Т.Махмудов, М.Усмонов, Ф.Бойназаров, Ҳ.Ҳомидий, А.Саидов, Е.Абдуллаев сингари йирик манбашунос ва шарқшунослар ўзбек авестошунослигига муносиб ҳисса қўшдилар. Бу борада, албатта, профессор Ҳ.Ҳомидийнинг изчил ва самарали изланишларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида айтиш мумкинки, авестошуносликнинг янги даври бошланди. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ЮНЕСКОга “Авесто” яратилганлигининг 2700 йиллигини нишонлаш тўғрисида таклиф билан мурожаат этди. ЮНЕСКО ушбу таклифни кўриб чиқиб, Бош конференциясининг 1999 йил ноябрь ойидаги йиғилишида маъқуллаб мазкур санани дунё миқёсида нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди. 2000 йил, 29 март куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Авесто” юбилейини ўтказиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда “Авесто”нинг дунёда мавжуд энг тўлиқ нусхаси ўзбек тилига таржима қилиниши ва нашр этилиши алоҳида банд билан кўрсатиб ўтилган. Мазкур масъулиятли ва ғоятда оғир вазифа истеъдодли шоир ва таржимон Асқар Маҳкам (Аллоҳ раҳмат қилсин) зиммасига юклатилди. Мутахассисларнинг ҳулосаларига кўра бу қадимий-маданий ёдгорликнинг тўлиқ нусхаси сифатида Техрон нашри танланди ва ана шу нашр асосида яратилганидан буён биринчи марта ўзбек тилига ўгирилиб, нашр этилди. Ушбу хайрли ишни амалга оширишда профессор М. Бекмуродовнинг хизматини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон ҳукуматининг юқорида келтирилган қарорига мувофиқ 2001 йилнинг октябрь ойида “Авесто” дунёга келган маскан – қадимий Хоразмда халқаро илмий конференция ўтказилди ва ушбу юбилей тантанали равишда нишонланди. Айни пайтда Ўзбекистонда авестошунослик жадал ривожланмоқда. Юқорида номлари зикр этилган олим ва мутахассислар сафи тобора кенгаймоқда. “Авесто”нинг тарихий, маънавий, ижтимоий, фалсафий ва ҳукуқий жиҳатлари чуқур тадқиқ этилмоқда.

ТАВАЛЛОДАН МУНОЖОТГАЧА

XVIII асрга келиб Европада Зардуштийлик фалсафаси кенг тарқалди. «Авесто» турли йирик илмий тадқиқот марказларида, кутубхоналарда мутахассислар томонидан зўр қизиқиш билан ўргана бошланди. Ушбу давр Европа фалсафий тафаккурида кескин бурилиш даври бўлди, десак хато бўлмайди. Европа фалсафасида бутунлай ўзгача йўлдан кириб келган, инсоншунослик ғоясини қалб ва руҳият орқали ўрганиш тамойилини илгари сурган Фридрих Нитше ўз фалсафий қарашлари билан кенг жамоатчиликка тез танилди. Албатта, у ўзидан олдинги йирик файласуфлар, жумладан, Шопенгауэр фалсафасини чуқур ўрганди. Унга эргашди, метафизик қарашларидан фойдаланди. Бироқ, ёш олимнинг ҳеч кимга ўхшамаган ҳулосалари, ҳаёт йўли, одам ва оламга бўлган муносабати жаҳон фалсафасида мутлақо янгилик бўлди.

Нитше фалсафасида оламнинг бус-бутунлиги, инсоннинг баркамол ва етуклиги муаммоси асосий ўрин тутди. У яхлит оламнинг барча гўзалликлари-ю жозибаси билан бирга салбий жиҳатларини бир бутунлигича қамраб олади. Натижада идеал инсон ва идеал ҳаёт тарзини орзу қилади. Ана шу ушалмас орзу унинг бир умрлик фалсафий қарашлари моҳиятига айланди.

Нитшенинг Зардушт фалсафасига бутунлай берилиши ва бу таълимот мақомидаги фалсафани ўрганиши, ўрганибгина қолмай уни ўз қалбидан, руҳиятидан ўтказиб, реал воқеликка айлантириш ғояси тасодиф эмас. Нитше протестант руҳонийси оиласида туғилди. Унинг мурғак онги тақво ва ибодат таъсирида шаклланди, ривожланди. Тақводорлик муҳити унинг илк диний тасаввурларини бойитди. Гимназияда ҳам диний таълим олди, черковларга катнади. Қалбан ва руҳан илоҳиятга ўта яқинлиги, жозибатор ва кўркем йигитча бўлганлиги туфайли бўлса керак, ўртоқлари уни “ибодатхонадаги 12 ёшли Исо” дейишарди. Бу эса шахс сифатида ёш Нитшенинг сурати ва сийрати, шакли ва мазмуни, зоҳири ва ботини бир хиллигидан далолат беради.

Ёш Нитшенинг адабиёт, санъат, тарих ва фалсафага қизиқиши жуда баланд эди. У, ҳатто, ўн ёшидан шеърлар ҳам ёза бошлайди. Илоҳий китобларни қироат билан ўқишни яхши кўрарди. Диний кўшиқларни меъёрига етказиб ижро эта оларди. Қироат, оятларни ғоят оҳангдорлик билан кўшиқ қилиб куйлаш ишқи ва маҳорати унинг диний-мистик қарашларини шакллантирди. Бонн ва Лейпциг университетларида таълим олди. Базел университетида профессор бўлиб ишлади. Ана шу йиллар олимнинг самарали ишлаш, Ғарб фалсафасида бетакрор, ўзига хос илмий кашфиётлар қилиш даври бўлди.

Нитшенинг санъат, тарих ва адабиётга қизиқиши фалсафий қарашларига ҳам ўзига хос таъсир этди. Бошқача қилиб айтганда, мураккаб фалсафий тафаккурни жозибатор ва эҳтиросли бадиий сўз ҳамда образли ифода билан уйғунлаштириб, мутлақо янги шакл ва мазмундаги фалсафий асарларни дунёга келтирди. “Муסיқа руҳидан фожеанинг туғилиши” (1872), “Қувнок фан” (1882), “Зардушт таваллоси” (1883), “Ҳамма учун ва ҳеч ким учун” (1883-1892), “Ҳокимиятга интилиш” (1906) сингари асарлари номланишининг ўзиёқ кишининг диққатини тортади, қизиқишини оширади. Бу асарларнинг ҳар бири муаллифга кўпдан-кўп шуҳрат келтирди.

Оғир касаллик туфайли жамоадан ажралиб қолган Нитше идеал инсон орзуси билан яшади ва бу мавзуда қатор асарлар яратди. 1872 йили “Муסיқа руҳидан фожеанинг туғилиши” китоби нашр этилади. Ушбу асарда яшаш завқи ва фожеавийлик туйғулари билан мушоҳадалилик, мантиқийлик, катта интеллектуал салоҳият, ақлий устуворлик муаммолари ўртасидаги қарама-қаршиликлар, зиддиятлар фалсафий талқин этилади ва инсон онгидаги бундай азалий зиддиятларнинг ўзига хос талқини Нитше фалсафий қарашларининг бетакрорлигидан далолат беради. У кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Икки қисмдан иборат “Зардушт таваллоси” китобининг биринчи қисми 1883 йили, тўлиқ нашри эса 1892 йили чоп этилади. Муаллифга жуда катта шуҳрат олиб келган ушбу китоб фикр билан туйғу, ақл билан ҳиссиёт, юксак фалсафий мушоҳада билан эҳтиросли бадиийлик қоришиб, мутлақо ўзига хос насрий дoston сифатида юзага келган. Ушбу нодир асарни таниқли олим ва

йирик таржимон Иброҳим Ғафуров зўр маҳорат билан ўзбек тилига ўгирган.³⁵

Нитше файласуф сифатида, айтиш мумкинки, қарашларида инсоният имкониятлари чегарасидан чиқиб кетган онгни мужассамлаштирган Зардушт билан ўзини тенглаштиради. Яъни, кишилик тарихида илк марта кайҳоний қарашларни, илоҳий ғояларни илгари сурган Зардушт билан ҳамфикр бўлади. Бошқача қилиб айтганда, ушбу асарда чуқур психологик ҳолат билан мантикий асос уйғунлашган. Қалб изтиробларини, зарбаларини, титроқларини, бесаранжом, беорому беҳаловат туйғуларини руҳий ҳолат орқали ифода этади.

Китобда ҳаёт фалсафаси, инсон тушунчаси, кишилик ҳаётининг ёруғ ва зулмат томонлари, зиддиятлар ва изтироблар ўз аксини топган. «Авесто» ғояларини чуқур ўзлаштирган, айна пайтда ана шу ғояларда одам ва олам моҳиятини кўра билган, унда диний ва дунёвий қарашлар уйғунлашганини англаган Нитше ўз фалсафий қарашларини, илмий ғоялари ва муносабатларини Зардушт орқали ифодалашга эришади.

Асар услубида Зардушт билан Нитшенинг тенглиги яққол кўзга ташланади. Дарҳақиқат, муаллиф илоҳий шахс билан ўзини тенг қўяди, ўзаро мулоқотда бўлади, кўп ҳолларда Зардушт номидан гапиради, Зардушт ғояларини ўзининг қалб кечинмалари билан синтезлаштиради. Гарчи, улар туғилган макон турли минтақаларда жойлашган, жуда улкан, маҳобатли тарихий давр уларни ажратиб турган бўлса-да (улар яшаган давр қарийб уч минг йиллик масофа билан фарқланади), қарашлар уйғунлиги фавқулодда ҳодиса сифатида, айна пайтда ўта табиий ҳолатда юзага келади. Бу шу даражада табиий, шу даражада мусаффо ва гўзалки, уни бир-биридан ажратишга интилиш ёки бир-биридан айро ҳолда тушуниш жиддий хатоликка олиб келади. Асарда муаллиф Зардушт билан замондошдай, яқин дўстдай гапиради. Ўзининг ғояларини тўғридан-тўғри Зардушт орқали тушунтиришга ҳаракат қилади ва бунга эришади:

“Қаранг, мен сизларга аёло одам ҳақида таълимот беражакман”.

Аёло одам – заминнинг мазмуни. Сизнинг иродангиз айтсин “Майли, аёло одам заминнинг мазмуни бўлсин!” (6-бет).

Аёло одам. Бу жамиятнинг сараланган, табиий танланган қатламига, элитасига дахлдор одам. Нитшенинг аёло одамни кўргиси келяпти. Маънавий баркамол, интеллектуал жиҳатдан юксак, қудратли, шижоатли, бағрикенг, тўғри сўз, баркамол одамни соғиняпти. Ҳаётда шундай одамлар мавжуд бўлишини балким орзу қилгандир. Балки шундай одамлар мавжудлигига ишонгандир. Жамиятда аёло, яъни баркамол одамларга этиёж ҳамма вақт бўлган ва бор, у бизга шуни яна бир бор эслатаётгандек.

Аёло одам заминнинг мазмуни! Зотан, замин ҳаёт манбаи, ризқу рўз манбаи, фаровон ва бахтли ҳаёт маскани. Агар аёло одам унга эгалик қилсагина! Ва илоҳий имдод келади: “Майли, аёло одам заминнинг мазмуни

³⁵ Қаранг. Нитше. “Зардушт таваллоси”. Т.; “Янги аср авлоди”. 2007. Иқтибослар шу китобдан олинган, фақат бети кўрсатилади.

бўлсин!”. “Биродарларим, мен сизга илтижо қилиб айтурман: заминга содик бўлингиз ва ер узра умид тўғрисида сизга сўзлаётганларга ишонингиз. Ўзлари биларми-билмасларми барибир, улар заҳарлагувчилардир.

Улар ҳаётдан нафратланурлар, улар ўзларини-ўзлари заҳарламишлар ва ўлимлари сари йўл олмишлар, ер улардан чарчамишдир: ўлим уларга!” (6-бет).

Муаллиф қалбида олдин кучли оптимизм бор эди. У реаллика мойил эди. Бироқ инсоннинг эзгулик ва ёвузлик олами эканлигидан сесканиб кетади. «Авесто»даги даъватлар, нидолар, саловатлар ва дуолар қулоғига чалинади. У хушёр тортиб, реал ҳаётга қайтади. Жаҳолат, қабохат, надомат, хусумат мавжуд бўлган бир пайтда, идеал ҳаёт ва идеал инсон ҳақида ўйлаш қанчалик изтиробли. Бу Нитшенинг жаҳон фалсафасидаги ўзига хос имдоди эди.

Зардушт фалсафаси яхлит иноният тафаккурининг мажмуаси, қомусий характерга эга бўлган илоҳий ҳаёлот, диний тоат-ибодат ва тақво, реал заминда, конкрет ҳаётда инсоният қарашлари ва тафаккур тарзини ўзида мужассам этиб, дунёвий фалсафа, дунёвий тафаккур мақомига эга бўлади. Аслини олганда, Зардушт фалсафасининг ҳаётийлиги ҳам, маҳобати ҳам, ўлмаслиги ҳам ана шунда.

Нитше “Бир куни Зардушт ҳам барча нариги дунёчилар каби ўз ҳаёлларини одамнинг нариги дунёсига қаратди. Ўшанда менга дунё азоб чекаётган ва абгор бўлган Худонинг аъмоли бўлиб туюлди”, – дейди (24-бет). Энди муаллиф боқий дунёдаги одамлар аҳволидан хабардор бўлади, уларни кўз олдига келтиради, азобланаётганларидан азобланади. Жаннат гаштини сураётганлардан кўнгли таскин топади.

Афсуски, азобли, укубатли дунё кенгроқ туюлади унга ва фоний дунё унинг кўзига “азоб чекаётган ва абгор бўлган Худонинг аъмоли бўлиб туюлади”. Идеал одам фалсафаси, баркамол инсонни кўриш орзуси, ҳар томонлама етук одам билан мулоқотда бўлиш истаги энди изтиробга айланади.

“Яхшилик ва ёмонлик, шодлигу азоб, мену сен – бари менга Яратганнинг кўз ўнгидаги ранго-ранг дуд бўлиб кўринади. Яратган ўзидан ўз назирини эвиришни истади ва ўшанда у оламини бино қилди”(24-бет).

Демак, яхшилик ва ёмонлик, муҳаббат ва нафрат, ишонч ва ишончсизлик, садоқат ва хиёнат, эзгулик ва ёвузлик оламнинг рамзи, яратган унинг эврилишини хоҳлайди. Ўзи бино қилган оламнинг бенуксон ва кўркем бўлишини истади. Бу бевосита инсон оламининг қай даражадалигига боғлиқ. Қалбан гўзал инсон гўзаллик яратади. Эзгулик билан яшайдиган киши эзгулик ҳукмрон бўлган турмуш тарзини йўлга қўяди. Мунофиқлар, хиёнаткорлар, жинойтчилар, диёнатсизлар эса унинг тескараси!

Нитшенинг баён услубида, фикрни ифодалаш шаклида Европалик донишмандлар услубидан кўра кескин ва ёрқин ўзига хослик бор. Биринчидан, у ҳар қандай оғир, залворли фикрни, ақлни остин-устун қилиб юборадиган гапни жўшқин ҳиссиёт ва қайноқ эхтирос билан йўғрилган ҳолда баён этади. Иккинчидан, у бевосита ва тўғридан-тўғри Шарқ феноменига

мурожаат қиляпти, унинг оламида яшаяпти. Ўзини ўзи танлаган, ихлос қўйган зардушт тимсолида кўрмоқда. Шунинг учун Нитшенинг услуби “Авесто” матнларининг услубига жуда ўхшайди, яқин туради. Нитшега “Авесто”нинг таъсири шу даражада кучли бўлганки, ҳатто фикрни баён этиш услублари ҳам бир-бирига ўхшаш. Яъни, ҳар бир гап кўпинча алоҳида сатрдан бошланади. Ҳар бир гап тўлиқ, бўлиқ, аниқ фикрга йўналтирилган, аниқ хулосани ифодалаган яхлит тизим. Иккинчи гап ўз ўрнида янги сатрдан бошланади. Албатта, бу гап ҳам ўз юкига, фикрий салмоғига, тўлиқ маъзига эга. Улар фақат бир-бирини тўлдиради, холос. Ҳар бир гап алоҳида урғу, алоҳида таъкид ва ниҳоят алоҳида таъсир кучига эга. Жумлалар оғир ва мағизли, шижоатли ва даъваткор, жозибали ва таъсирчан. Айни пайтда чуқур ўйлашга, фикрлашга, ақлнинг янгидан янги қирраларини очишга мажбур этадиган чақириқ. Бу бетакрор услуб.

“Ҳис нимани ҳис қилар ва ақл нимани билар – ўзида ҳеч қачон ўз мақсади бўлмас, лекин ҳис ва ақл сени ишонтирмоқчи бўлиб, уринарларки, улар ҳамма нарсаларнинг мақсади деб: улар шунчаки худписанддирлар” (28-бет).

Аслини олганда, инсон жонзот сифатида ҳиссиёт ва ақл олами. Айни ана шу жиҳатлари билан ҳам бошқа жонзотлардан фарқ қилади. Имом Ғаззолий ўзининг “Кимёи саодат” китобида таъкидлашича: “Инсон фаришта ва ҳайвон орасидаги махлуқдир. Ҳайвон ривожланмайди, чунки унинг камолот қуввати йўқ. Фаришта ҳам ривожланмайди, чунки унинг ўзи пок, илоҳий нурдан иборат. Фақат инсонда ривожланиш, руҳий камолот хислати мавжуд”³⁶. Демак, ҳайвонда шаклланишга, ривожланишга, ўзини-ўзи бойитишга, ўзини қадриятга айлантиришга даъват этадиган руҳ, ички қувват йўқ. Фаришта эса азалу абад пок бўлганлиги учун унинг шаклланиши ва ривожланишига эҳтиёж йўқ. У шундоқ ҳам тоза, шундоқ ҳам покиза, нур янглиғ безавол. Фақат инсондагина руҳий камолотга интилиш туйғуси мавжуд ва унинг комилликка интилишида, етуклик сари ҳаракат қилишида, ҳаёти мазмунини бойитишига, шу аснода яхлит кишилик жамиятининг гўзал ва кўркем бўлишига даъват этади. Руҳий камолот туйғуси инсон феноменининг таянчи, уни қадриятга айлантирувчи буюк мўъжиза.

Худди шу фикрни анча кейин атоқли немис файласуфи К.Ясперс бошқача талқин этади: “Ҳис-туйғу моҳияти сифатида у (инсон – Н.Ж.) ҳайвондан юқори, маънавий-руҳий жиҳатдан фариштадан пастда туради. Ўз моҳиятининг ана шу икки томони билан уларга қавмдош бўлса-да, ҳайвон ҳам эмас, фаришта ҳам эмас. Уларнинг ҳар икковидан ҳам устун томонлари бор. Бу бевосита Аллоҳ томонидан яралганлиги билан белгиланади”³⁷.

Нитше фалсафасида ҳис ва ақл тушунчаси устуворлик қилади, бироқ уни ривожлантиришга, камолотга етказишга эҳтиёж ҳамиша катта бўлади. Мақсад, орзу, умид туйғулари инсонни асрайдиган, истикболга даъват этадиган, эртанги кунга ишонч туйғуларини оширадиган воқелик. Инсон

³⁶ Комилов Н. Тасаввуф. 2-китоб, Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат ҳамда “Ўзбекистон” нашриётлари. Т., 1999, 149-бет.

³⁷ Ясперс К. Смысл и назначение истории. М., «Республика», 1994.

хиссиёт орқали ҳис этади, ақл орқали мақсадларини амалга оширади. Рух ва ирода хатти-ҳаракатга айланиб, орзулар ва умидлар рўёбини таъминлайди. Шунинг учун бўлса керак, Нитше уларни худписандликда айблайди. Зотан, аниқ хатти-ҳаракат, интилиш, мақсадни рўёбга чиқаришга қодир бўлган ирода, бу йўлдаги тўсиқ ва ғовларни енга оладиган сабот бўлмаса, ақлнинг ўзи уни рўёбга чиқара олмайди. Ҳавасу иштиёқни аниқ амалий фаолиятга айлантиролмайди. Эҳтимолки, Нитше инсон руҳиятидаги ана шундай мураккаб ҳолатни назарда тутгандир.

Юқоридаги фикрни давом эттириб, аллома “Биродарим, сенинг фикратинг ва хиссиётларинг узра янада қудратлироқ ҳукмдор, номаълум бир ҳаким қад ростлаб туради – унинг исми ўзидир. У сенинг танангда яшайди; у айнан сенинг вужудингдир”, – дейди (28-бет). Бу фикрни икки хил талқин қилиш мумкин. Аслида ҳам шундай. Биринчиси, ҳар бир кишининг фикрати ва хиссиётидан устун келадиган, унга буйруқ бериб турадиган ҳукмдор, кўзга кўринмайдиган, ҳамиша хушёр қараб турадиган ҳаким “унинг ўзи” – Аллоҳ: Аллоҳ хоҳламаса, буюрмаса бандаси ҳеч нарса қилолмайди. Бу барча дунёвий динлар ақидаси, қатъий ҳулосаси. Иккинчи томондан, дунёвий таълимотда инсон ва унинг моҳияти бевосита феъл-атвор, руҳий ва маънавий етуклик орқали очилади. Вужуд ўзингники, демак уни ўзинг бошқарасан, йўналтирасан, фақат ақлинг доирасида, ҳис-туйғуларинг таъсирида. Руҳият ва ирода бошқарувчи, ҳолос. Нитшеннинг идеал инсон борасидаги армони ана шу ерда яна долзарблик касб этади.

Нитше фалсафасида онг, инсоннинг ўзини-ўзи англаши масаласи алоҳида мавқега эга. Унинг инсон фалсафаси инсон моҳиятини тушуниш, мавжудот сифатидаги қадриятини белгилаш ва бу қадриятни ҳар бир индивиднинг ўзи қадриятга айлантира олиш ё олмаслиги масаласини чуқур таҳлил қилади. Зардушт таваллоси орқали Нитшеннинг ички нидоси, қалб хайқириғи айни ана шу зиддиятли, мураккаб, ранг-баранг олам феноменини яратишга қаратилган. Бу эса инсоншуносликда ўзига хос илмий-фалсафий, бадий-мантиқий, илоҳий-дунёвий қарашлар синтези сифатида юзага келди. Бир қараганда, мазкур китоб соф илмий фундаментал тадқиқотга ўхшайди. Иккинчи томондан, уни ўқиганингиз сари чуқур фалсафий ва мантиқий фикрларга асосланган бадий асарга гувоҳ бўласиз. Ҳар қандай ҳолатда ҳам аллома Зардушт тимсоли орқали ўзининг ички кечинмаларини, илмий-назарий ҳулосаларини, инсоншунослик борасидаги фундаментал концепциясини яратади. Асарда илмий бетакрорлик ва бадий мўъжизакорлик уйғунлашиб кетган.

Ҳар бир одам алоҳида олам. Олам эса турфа ва ранг-барангдир. Ана шу ранг-баранглик инсон оламининг бутун драматизмини таъминлайди. Ҳар бир инсоннинг ўз “Мен”и бўлади. У индивиднинг феъл-атвори, орзу-ўйлари, хатти-ҳаракати ва муносабатини ўзида мужассам этади. Бироқ ҳар бир “Мен”нинг ичида бир неча “мен”чалар яшайдики, улар доимий равишда, бир умр бир-бири билан олишиб, курашиб, бир-бирини маҳв этиб яшайди. Эзгулик билан ёвузлик, муҳаббат билан нафрат, сахийлик билан бахиллик... ва ҳоказо... уларнинг тури кўп. Барчаси доимий равишда ўзаро курашда. Бу

инсон қалбидаги узундан-узоқ, бир умрлик жуда катта рухий қудратни, иродани, ақлни, сабр-тоқатни, бағрикенгликни тақозо этадиган драмалар сериалидир. Зотан, бизнинг ҳар бир кунимиз сони номаълум бўлган сериалнинг битта қисми, холос. Фақат у ҳар кимда ҳар хил. Тафаккури, ақлий салоҳияти, феъл-атвори, ҳиссиётидан келиб чиқиб, кимдадир ҳамишалик изтиробли, зардобли, кимдадир фарахбахш, бунёдкор, ижодкор сериал. Фақат унисидан ё фақат бунисидан иборат бўлган ҳаёт мукамал эмас, кемтикдир. Ҳар иккаласини меъёр доирасида ўзида мужассам этган вужуд баркамолдир.

Нитше юқоридаги парчада ана шу ҳаёт драмасини таҳлил қилгандай, гўё. Унга муносабат билдираяпти, фалсафий мушоҳада юритяпти, Зардушт номидан аниқ, илмий-назарий жиҳатдан асосланган, реал воқеликдан келиб чиққан маънавий-ахлоқий хулосани илгари сурияпти. Бу Нитше фалсафасининг ўзига хос кўринишидир.

Шижоат, ғайрат туйғуси Нитше фалсафасида алоҳида ўрин тутади. Худди шундай Зардуштийлик қарашларида ҳам эзгулик ғояси бевосита инсон феъл-атвори, хатти-ҳаракати ва интилишлари орқали илгари суриладики, бунда инсон қалбидаги ғайрат, шижоат туйғуси асосий роль ўйнайди. “Кимки тубсиз қаърга бургут кўзи билан қараса, кимки тубсиз қаърга бургут чангали билан чанг урса – фақат шу кимсадагина матонат бор”, - дейди Нитше (285-бет).

Тубсиз қаър - чексизлик, мавҳумот, кўрқинч ва шубҳа тимсоли. Тубсизлик у ғор бўладими, кудук бўладими, жарлик ё коинот — ҳадик, шубҳа, рухиятни синдирадиган, ишонч туйғусини сўндирадиган ҳилқат. Бундай кайфиятдаги одамда матонат бўлмаса, ўзини ўзи идора этолмаса ўз ҳаётини йўлга қўёлмайди. Бундай одамлар кундалик ҳаётда ҳам мавҳумликка учрайверади. Тушунарсиз ҳаёлот гирдобига ғарқ бўлади, ҳадик ва кўрқув уни забт этади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам инсоннинг ҳалоскори – матонат, шижоат, қатъий ишонч ва ирода!

Нитше баъзан инсонга шубҳа билан қарайди. Ана шу шубҳанинг ўзи инсоннинг номукамал жонзот эканлигидан далолат беради. Баъзи ҳолатларда инсонда айрим иллатларнинг сақланиб қолиши тарафдори бўлади. Балки инсоннинг инсонлигини англаш учун айни иллатлар ҳам фазилатлар билан параллел равишда яшамоғи лозимдир. Яхшини ёмондан, оқилни аҳмоқдан ажратиш учун айни ана шу фазилат ва иллатларнинг мавжудлиги уларнинг даражасини ҳисобга олиш, баҳолаш имконини беради. Жаҳон фалсафасидаги инкорни инкор этиш формуласи ана шу ерда ўз ечимини топади. Бошқача қилиб айтганда, бу ёвузликка нисбатан ёвуз бўлиш, ёмонликка қақшатгич зарба бериш, бутун чоралар билан эзгуликка интилиш ғоясининг ўзгинасидир. Шунинг учун ҳам Нитше “Инсон борган сайин яхши ва ёвузроқ бўлиб бориши керак”, – мен шундай деб таълим берганман. Энг ёвуз нарса аъло одамнинг бахти учун керак. Кичкина одамларнинг гуноҳларини кўтариб юргани ва азоб чеккани унга яхшилик бўлиб кўриниши мумкин. Лекин мен буюк гуноҳга ўзимга улуғ тасалли деб қарайман ва хурсанд бўламан”, – дейди (285-бет).

Ўта мураккаб драматик ҳолат, руҳий қийноқ ва маънавий изтироб намунаси бу. Инсоннинг яхши ва айни пайтда ёвуз бўлиши бу балки эзгулик йўлида иродани чархлаш, эътиқодни синовдан ўтказиш, иймон даражасини баҳолаш, матонат туйғусини намоён қилиш имкониятидир. Шундай бўлиши ҳам керак. Зотан, нафрати кучли одамнинг муҳаббати ҳам кучли бўлади. Интеллектуал салоҳияти юқори бўлган, ҳиссиётдан кўра ақл билан иш тутадиган, ўта қатъиятли, интизомни яхши кўрадиган, фақат аниқ хулосаларга суяниб иш тутадиган одамлар баъзан кимларгадир шафқатсиз, ёвуз бўлиб кўриниши мумкин.

Умуман олганда, Нитше фалсафасида баъзан инсонга нисбатан нафрат туйғуси кўзга ташланади. Инсон феноменини ўрганган айрим донишмандлар унинг салбий жиҳатларини алоҳида бўрттириб кўрсатишган. Америкалик буюк ёзувчи Жек Лондон “Инсон бебаҳо маҳлуқларнинг энг охиргисидир” деган эди. Машҳур рус файласуфи В.Ключевский эса “Инсон- дунёдаги энг буюк ҳайвондир” деган. Бироқ, уларда нафрат туйғуси йўқ. Инсоннинг мавжудот сифатидаги моҳиятидан келиб чиққан хулосалар, холос, бу.

Нитше баъзан ҳаётдаги чиркин, бемаъни, ахлоқсиз ҳолатларни тарғиб этишга ҳаракат қилади. Баъзи ҳолатларда эса инсонни ёмонликка, тубанликка, ажабланарли ҳолатда, ёвузликка даъват этаётгандай бўлади. Одамларни табақалаштиради. Аслини олганда, табақалаштириш тамойили ва тажрибаси инсоният тарихида мавжуд. Нитше ана шу тажрибадан келиб чиқиб, оломон, аъло одам, олий одам тушунчаларини илгари суради. Унинг наздида оломон авом халқ. У кўпам фикрламайди, ўйламайди, қайси томонга бошласа, ўша томонга юради. Ёлғон ва мунофиқлик авомга хос. У шундай хулосага келади. Аъло одам эса жамиятнинг маълум бир сараланган қатлами, элитаси ҳисобланади.

Аъло одам жамият моҳиятини, ҳаёт мазмунини, унинг қарашлари эса, жамият ижтимоий-маънавий қиёфасини ўзида мужассам этади. Кишилиқ ҳаёти тараққиётини белгилайди, уни ривожлантирувчи, ҳаракатга келтирувчи куч сифатида майдонга чиқади. Бироқ у ҳам нуқсонлардан холи эмас. Аъло одам ҳам энг аввало одам! Унга бутун фазилатларию нуқсонлари билан бирга, яхлит ҳолда қараш керак бўлади. Нитше наздидаги аъло одам образи эса бенуқсон, мукамал. Балки у ўз ғояларини етарли даражада етказиш учунгина тимсол сифатида аъло одамни иделлаштиргандир. Яна ким билади?

Нитшенинг қарашлари бўйича одам энг аввало биологик организм. Вужуд у учун бирламчи. Ақл фақат ана шу биологик вужудни сақлаш, уни ривожлантириш воситасигина, холос. Унингча, ақл фикр юритмайди, аксинча оламни инсоннинг кундалиқ талаби учун зарур бўлган тарзда схематик англайди. Тафаккур эса кўпроқ реаллик билан боғланади. Шунинг учун ҳар бир инсон ўзининг шахсий имкониятларидан келиб чиқиб, оламни тушунади, уни идрок этади. Ҳар кимнинг бошида ўзининг ҳаёт шароитидан келиб чиққан афсоналари бўлади. Улар инсон феъл-атворини, интеллектуал салоҳиятини шакллантиради ва ривожлантиради. Шунинг учун ҳам Нитшенинг “Аъло одам” образи ахлоқни инкор этади. Унингча, ахлоқ инсонни заифлаштиради, уни итоаткорлик, вазминлик, андишалилик орқали

пассивлаштириб кўяди. Буларнинг бари инсон иродасини бўшаштиради. Бундай қарашлар Ғарб фалсафий тафаккуррида анча мунозарага сабаб бўлган. Шарқ фалсафаси эса уни бутунлай инкор этади.

Нитше фалсафасида ҳокимият тушунчаси устуворлик қилади. Ундаги “олий одам” образи “кучли шахс тимсоли”, у таъсир ўтказувчи, бўйсундирувчи ва сафарбар этувчи куч. Нитше ҳаёт тушунчасини шарҳлар экан, дарахт ва ўсимликларни мисол келтиради ва “Ўрмоннинг дастлабки дарахтлари нима учун бир-бирлари билан курашадилар. ...ҳокимият учун!” дейди Нитше. У “ирода ва куч уйғунлигида ҳаёт моҳияти”ни кўради³⁸. Унинг фалсафасида ҳокимиятга юқори даражада интилиш туйғуси устуворлик қилади. Буни “Ҳокимиятга интилиш” китоби мисолида яққол кўриш мумкин. Олий одам (сверхчеловек) бошқарувчи, йўналтирувчи, жамоага ўзининг таъсирини ўтказувчи шахс. У маҳалла ё кишлоқ бўладими, шаҳар ё туман бўладими, ташкилот ё муассасаса, унинг аҳамияти йўқ. Унинг бошқарувчиси ўз худудида олий одам тоифасига киради.

Улуғ аллома рухият кишиси. У қалб ва туйғу орқали ҳаёт фалсафасини яратади. Умуман олганда, Нитше жаҳон фалсафий тафаккурига ҳаёт фалсафаси тушунчасини олиб кирган ва уни мумтоз илмий-назарий асосларини яратган. Нитше ҳаёт фалсафасини тушунишда санъатнинг роли ва мавқеи баланд, дейди. Шунинг учун у эстетик тафаккур, оламни бадиий-эстетик ўрганиш, инсоннинг интуитив имкониятлари ҳаётни англаш таянчи эканини алоҳида таъкидлайди.

Нитшенинг яна бир ғайри табиий ғояларидан бири Худосизлик. Тўғридан-тўғри “Худо ўлди”, дейди. Бу даҳрий, динсиз, эътиқодсиз одамнинг гапи. Нитшени бу тоифага киритиш ҳам ҳозирча мунозарали. Албатта, бунда ўзини оқлайдиган жиҳатлар ҳам бор. Ибтидоий одамлар нимани хоҳласа, шунга топинишган. Табиат ҳодисаларига, қуёшга, ҳайвонларга, дарахтлар ва бошқа жисмларга сиғинишган. Уни Худо деб билишган ва тан олишган. Балки Нитше ана шу эътиқодлар ва тақволар хилма-хиллигига барҳам бериб, зардуштийликнинг яқкахудолик ғоясини қўллаб-қувватлагандир.

Нитше “Худо ўлди” иборасини биринчи марта “Зардушт таваллоси”ни ёзмасидан олдин, 1882 йили нашр этилган “Қувноқ фан” асарида ишлатди. Китоб услуби, инсон ва ҳаёт муаммоларининг фалсафий ечимлари жиҳатидан алоҳида ажралиб туради. У бешта китобдан ва 383 парчадан иборат. Унда Нитше ёвузликнинг моҳияти, санъат ва табиат ўртасидаги боғлиқлик, мантиқ қонуниятлари асосида оламни тартибга солиб турадиган, унинг мувозанатини сақлайдиган Илоҳий куч тўғрисидаги ўта жиддий ғояларини илгари суради ва ўзининг машхур, айни пайтда мунозарали “Худо ўлди” иборасини ишлатади.

Улуғ мутафаккир, мумтоз адабиётшунос, жаҳон фалсафий тафаккурининг йирик намояндаси дунё илмий-фалсафий жамоатчилигида соф академик тадқиқотлари билан эмас, балки инсон ва ҳаёт муаммоларини образли ифодалаш, фалсафий тафаккур билан бадиий тафаккурни

³⁸ Қаранг. Спиркин А.Г. Философия. М.; Гардарика. 2007. стр-165

синтезлаштириб юборган тимсоллар орқали баён этиш каби илмий тамойилни кашф этди.

Нитшенинг “Худо ўлди” ибораси дунё файласуфлари томонидан катта кизиқиш билан ўрганилмоқда. Бироқ ҳали ҳамон унинг тўлиқ ечими топилган эмас. Ушбу ибора ҳақида фикр юритар эканмиз, алломанинг “Қувноқ фан” китобининг “Телба” номли 125 қисмига эътибор беришга тўғри келади. Телба куннинг ўртасида кўлида ёниб турган чирокни кўтариб, кўчада бор овози билан “Худони қидиряпман! Худони қидиряпман!” деб бақариб юради. Майдонда бир гуруҳ одамлар суҳбатлашиб турганини кўриб, уларнинг олдига боради. Телбанинг гапларини эшитганлардан бири “Нима, У йўқолдимми?” дейди. “Бутазорга яширинди” дейди бошқаси. Яна бири “Балки биздан кўрққандир” деса, бошқаси “Сувга чўкиб кетди” деб телбани мазах қилишади. Шунда телба шиддат билан уларнинг орасига кириб, кўзларини чакчайтириб, “Қаёққа йўқолди Худо?! Ҳозир мен сизларга айтаман! Биз Уни ўлдирдик — сиз ва мен! Биз ҳаммамиз Худонинг қотилимиз! Ана шунақа, биз унинг қотилимиз!” дейди. Хохолаб турган одамлар бирданига эсанкираб қолишади. Шу топда улар телбанинг эси пастлигига ҳам, ўта ақллилигига ҳам ишонилмасди. Ўзларини йўқотиб қўйган, қандайдир мавҳум, изтиробли ҳолатга тушган одамлар хайрат билан қарашарди. У эса сўзини давом эттириб: “Ҳа, Уни биз ўлдирдик! Бутун олам, биз ҳаммамиз пичоғимиздан сачраган қонларга бўялдик. Бу қонни ким артади? Уни қандай сув билан ювамиз?” деб тинмай гапирарди. Ғазаб билан кўлидаги чирокни ерга уради. Чирок чил-чил синиб, олови ўчади ва хўрсиниқ, мунгли овозда: “Мен дунёга анча вақтли келдим. Ҳали менинг даврим келмаган. Хайратли ва ҳавас қилгулик воқеалар ҳамон йўлда. У ҳали инсониятга етиб келмаган!..”, дейди.

Бу билан Нитше, биринчидан, инсоният ҳали баркамол эмас. У ҳали тарбияга эҳтиёж сезмоқда. Одамларда Ўтиқод, Адолат, Ҳақиқат туйғулари заиф. Аксинча, разолат, қабоҳат, мунофиқлик ва ўтиқодсизлик инсон қонида кўпирмоқда, демоқчи. Иккинчидан, телба воқеаси Нитше фалсафасидаги олий одам тушунчасининг ўзига хос, бетакрор ифодаси. Бу ғоятда оғир, изтиробли руҳий ҳолат. Кишини чуқур ўйлашга, фикрлашга даъват этадиган, инсон ҳақидаги тасаввурларни остин-устун қиладиган, қалбингни ларзага солиб, ҳиссий бўҳронлар ва руҳий тўфонлар уйғотадиган драматизм. Балки фожеадир!

“Худо ўлди!” дейишнинг ўзи қанчалар оғир. Бироқ Худо билан бандаси, Олий хилқат билан инсоният ўртасидаги масофа одамларнинг чекланган дунёқараши, мураккаб феъл-атвори, сушт ўтиқоди, нотўқис ахлоқий ва маънавий даражаси туфайли анча узоқлашиб кетмаяптимики? Умуман олганда, телба қандай одам? У Нитше тасаввурида ростдан ҳам ақли заиф одамми? Балки бундай эмасдир. Чунки у жамиятдан, атрофдаги одамлардан нафратланаяпти. Олий ҳақиқатни излаяпти. Ундан узоқлашаётганидан дарғазаб. Уни йўқотиб, аниқроғи, уни унутиб қўйишдан изтироб чекапти. Бунинг учун ҳаммамизни айбдор деб ҳисоблаяпти.

Нитше телба образида юксак ўтиқодли, инсон тасаввуридан юқори турган, бутун вужуди, борлиғи ва иймони билан энг Олий идеалларга

берилган, дунёни ҳар томонлама гўзал ва бенуксон кўришни истаётган озод, эркин шахсни (сверхчеловек) кўрмоқда. Ўз дарду хасратини, изтиробларини, инсон ҳақидаги оғриқли ва аянчли кечинмаларини ифода этаяпти. Балки, телба образи унинг учун инсон ва борлиқ, одам ва олам, кишилиқ жамияти ва унинг истикболи ҳақидаги ўта чуқур фикрларни ифодалаш воситасидир.

Телбани масҳаралаган, унга турли-туман мантиксиз саволлар бериб, камситганлар қандай одамлар? Улар аслида бутун моҳияти билан Худони билишармиди, тушунишармиди? Ёки кундалиқ ҳаётнинг роҳат-фароғатию фаровон ва беташвиш умрнинг ўзи улар учун кифоя қилармиди? Ҳар ҳолда, бундай одамлар олдин ҳам яшашган. Улар ҳозир ҳам мавжуд, бундан кейин ҳам яшайверишади. Уларнинг ватани ҳам, миллати ҳам, дини ҳам, эътиқоди ҳам йўқ!

Кишилиқ жамиятида яна бир тоифа одамлар борки, улар ўзларини юксак идеалларга яқин тутишади. “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” тамойилини рўкач қилишади, бироқ унга риоя этишмайди. Бу билан юксак идеалларга ҳам, инсониятга ҳам хиёнат қилишади.

Аслини олганда, Нитшенинг Худога муносабати унинг эътиқодсизлиги, худосизлиги ёки динсизлигидан эмас. Унинг учун илоҳиёт ва айни Худо оламни олий даражада идрок этиш, инсон тасаввуридан ташқаридаги ва фантастик ҳаёлотдаги буткул мукаммал, баркамол инсон ва мутлақ адолатли, кишилиқ жамияти ҳақидаги орзу-армонининг тимсолидир. Айни пайтда бу идеал жамият, идеал шахс ҳақидаги юнон, араб, хитой ва, умуман, Шарқ фалсафасининг нитшеёна ифодаси дейишимиз мумкин.

Олий Ҳақиқат, олам сарвари — Аллоҳ Нитшенинг назарида барча эзгуликлар ва фазилатларнинг рамзи, ҳимоячиси ва ифодаси. Телба эса бандаларининг иймон-эътиқод, бурч ва масъулият, яратувчанлик ва бахтли ҳаёт орзусининг тимсоли. У ўз эътиқодидан, билганидан қайтмайди, нимани ўйласа, шуни гапиради. Уни исбот қилиб ҳам ўтирмайди. Унга бунинг қизиғи ҳам, аҳамияти ҳам йўқ. У ўйлаганини айтди-қўйди. Унинг фикри эса инсон ва жамият моҳиятини ўзида мужассам этади. Натижада олий одам ва идеал жамият ғояси билан сингиб кетади.

Нитше фалсафий тафаккуридаги “Худо” атоқли олим Мартин Хайдаггер хулосаларига кўра яхлит оламни, инсон тасаввурига сиғмайдиган, унинг ақл-идрокидан ташқаридаги чексизликни тушунтирадиган восита. Худо — энг олий ғоялар, идеаллар тимсоли, баркамол образи³⁹.

Олий одам (сверхчеловек) баркамол инсон ҳақидаги тасаввур, образли қиёфа. У алоҳида тарбия ёки ўзини-ўзи тарбиялаш орқали етук одамга айланмайди, табиий равишда етук инсон бўлиб туғилади. Генетик жиҳатдан соғлом ва покиза бўлган тақдирдагина олий одам дунёга келади. Эрамининг II асрида яшаган араб олими Лукиан олий одам ҳақидаги дастлабки ғояларини илгари суради. Немис фалсафий тафаккурида бу мавзу анча чуқур ўрганилган. Жумладан, Генрих Мюллер, Гегель, Гиппел, Гёте ва бошқалар бу борада жиддий хулосаларни илгари суришган. Нитше ана шу ғоянинг

³⁹ Қаранг. А.Сpirкин А.Г. “Философия. М.; Гардарини. 2007. стр.-167.

давомчиси бўлиб, у бевосита олий одамни олий ҳиссиёт орқали талқин этади. Бу демак, инсоннинг туйғу ва ҳиссиёт олами сифатидаги имкониятларидан ташқаридаги ҳодиса (сверхчувство). Ақл бовар қилмайдиган, тасаввурга сиғмайдиган кайҳоний, яхлит олам билан боғлиқ бўлган тасаввурлар тизимидир.

Жалолиддин Румий инсон моҳиятини иймон орқали очади ва иймон инсонни баҳолашнинг бош мезони деб билади. Ўтиқод, тақво, сажда ва ибодатга доир барча ўлчовлардан иймонни баланд қўяди. Жумладан, “Иймон намоздан устундир. Намоз узрли сабаб билан қолдирилиб, фурсат бўлиши билан адо этилиши мумкин. Иймон учун ҳеч қандай узрли сабаб билан бузилиб, кейинроқ бажариш рухсати йўқ. Намозсиз иймоннинг фойдаси бўлади. Бироқ иймонсиз намознинг фойдаси йўқ. Худди мунофиқларнинг намози сингари. Намоз ҳар динда турлича, иймон эса ўзгармайди. Аҳволи, қибласи ва бу каби нарсалари ҳам ўзгармайди”⁴⁰, - дейди. Демак, намоз бир кунда беш марта амалга ошириладиган тақво, ибодат, ҳамд, сано, тавалло ва муножот мавриди. Баъзан у ўз вақтида бажарилмаслиги ҳам мумкин. Бироқ, бир сония, бир нафас иймонсиз бўлиш мумкин эмас. Иймонсиз намоз – Худоба хиёнат, унга мунофиқлик, - демоқчи аллома. Иймон – қалб ва рух инъикоси. Қалби тоза, руҳияти покиза, ҳаёлоти безавол инсон етук ва баркамолдир.

Румий қарашларида ўзига хос диний бағрикенгликни ҳам қўриш мумкин. Жумладан, унингча кимнинг қайси динга ўтиқод қўйиши ўз ихтиёрида. Ўтиқод, тақво турлича бўлиши мумкин. Бироқ, Аллоҳ битта! Худди иймон сингари ўзгармасдир. Аллома “Намоз ҳар динда турлича, иймон эса ўзгармасдир” дегнида ана шу фикрни илгари суради.

Ушбу фикр ҳадиси шарифда яна бошқача бир шаклда ифода этилади. Жумладан, “Оллоҳ Сизинг суратларингиз ва амалларингизга эмас, балки қалбларингизга ва ниятларингизга боқар”⁴¹, дейилади. Дарҳақиқат, қалб – иймон ватани, макони. Ният эса руҳ ва туйғуларнинг ҳаёлий суврати. Иймон қалбда туғилади, шаклланади, камолга етади. Охир-оқибатда бутун қалбни эгаллаш орқали яхлит инсон моҳиятига, қадриятига айланади. Ният, орзу, умид эса руҳдан, туйғулардан озик олади, уларнинг мазмуни, шакли руҳ тозаллиги, туйғулар безаволлиги билан боғлиқ.

Нитше Ўтиқод, Адолат, Ҳақиқат ва, албатта, Иймонни инсон-тафаккури чегарасидан юқори турадиган Олий мақомдаги хилқатга қиёслайди. Одамлар эса ўзининг айни ўтиқодсизлиги, иймонсизлиги туфайли уни ўлдирмоқда. Биз шаҳид бўлган Ўтиқод, Адолат, Иймоннинг қонларига бўйлиб яшайпмиз, дейди.

Бошқача қилиб айтганда, Нитшеннинг инсон ва ҳаёт фалсафаси ҳақида фикр юритар эканмиз, унинг ҳаёлотининг чексизлиги, тахайюлининг чегарасизлиги, фикрати ва тасаввурининг кўз илғамас, ақл идрок этолмас чўққиси – Олий одам тимсолида намоён бўлади. Бунда фавқулодда етук ва

⁴⁰ Мавлоно Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингдадир (Масъул муҳаррир Н.Комил). “Ёзувчи” нашриёти. Т., 1997.

⁴¹ Ўша манба, 153-бет.

баркамол “инсонни олам меҳвари деб қараш ўз моҳияти билан намоён бўлмоқда”.⁴²

Ана шу тарзда Нитше жаҳон фалсафий тафаккурида Аристотел бошлаб берган онгдан ташқари, тафаккурга сиғмайдиган ҳодиса — метафизиканинг ва мутлақ инкор этиш позицияси — нигилизмнинг бутунлай янги қирраларини очади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Нитше Шарқ фалсафасининг катта билимдони. Шарқ тафаккур тарзини чуқур ўрганган, унга эътиқод билан қараган ва кенг тарғиб этган дунёвий алломалардан бири. Унинг ҳар бир асари ўз даврида ҳам, ҳозир ҳам ҳайратомуз ғоялари, кескин фарқ қилувчи ёндашувлари ва бетакрор ифода усули билан жаҳон жамоатчилиги диққатини ўзига тортмоқда. “Зардушт таваллоси” китоби эса, ана шу ҳайратомуз илмий-иждодий фаолиятнинг чўққиси ҳисобланади.

Нарзулла ЖЎРАЕВ,
профессор, халқаро Антик дунё (Antique World)
фанлар академиясининг академиги.

⁴² Комилов Н. Тасаввуф. 2 китоб. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат ҳамда “Ўзбекистон” нашриётлари. Т., 1999. 6-бет.